

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Химояга рухсат
Кафедра мудири**

“ _____ ” _____ 2013 йил

**СОҲА КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ИЛМИЙ ИННОВАЦИОН
ХАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

мавзуида

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи _____ Р.Р.Турапов

Рахбар _____ Х.М.Бобомуродов

Такризчи _____

ММҚ ва ТХ б-ча
маслаҳатчи _____ С.М. Абдуллаева

Тошкент - 2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИСОД ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

Иқтисод кафедраси

Йўналиши 5340100 Иқтисодиёт (соҳалар ва тармоқлар бўйича)

ТАСДИҚЛАЙМАН

_____ Кафедра мудири
_____ 2013 йил

Талаба: Турапов Раззоқбек Рўзибоевичнинг

“Соҳа корхоналари билан илмий инновацион ҳамкорликни ривожлантириш
истикболлари”

мавзуидаги малакавий битирув ишига

ТОПШИРИҚ

1. Мавзу Университет Ректорининг 2012 йил 7 декабрдаги 1304-06-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Ишни ҳимояга топшириш муддати: 2013 йил 25 май

3. Ишга оид дастлабки маълумотлар: Президент асарлари, Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси меъёрий ҳужжатлари, таълим соҳасига оид дарсликлар, қонун, қарор, фармонлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, ТАТУ статистик ҳисоботлари.

4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг мазмуни: соҳа корхоналари билан илмий инновацион ҳамкорликни ривожлантириш асослари, соҳа корхоналари билан илмий инновацион ҳамкорликни ривожлантириш таҳлили, соҳа корхоналари билан илмий инновацион ҳамкорликни ривожлантириш истикболлари, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

5. График материаллар рўйхати: “Таълим хизматлари бозорини ўрганиш бўйича маркетинг изланишлари таъйинлари, Олий ўқув юртларида инновацион фаолиятнинг мезон ва кўрсаткичлари, Соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорликни ҳозирги ҳолати таҳлили

6. Топшириқ берилган сана: 1 январь 2013 г.

Раҳбар: _____

Топшириқ олдим: _____

7. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

Бўлим номи	Маслаҳатчи Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ олинди
1. Соҳа корхоналари билан илмий инновацион ҳамкорликни ривожлантириш асослари	Х.М.Бобомуродов	16.01.2013	16.01.2013
2. Соҳа корхоналари билан илмий инновацион ҳамкорликни ривожлантириш таҳлили	Х.М.Бобомуродов	01.03.2013	01.03.2013
3. Соҳа корхоналари билан илмий инновацион ҳамкорликни ривожлантириш истикболлари	Х.М.Бобомуродов	23.04.2013	23.04.2013
4. Хаёт фаолияти хавфсизлиги	С.М. Абдуллаева	24.05.2013	24.05.2013

8. Ишни бажариш графиги

№	Иш қисмларининг номи	Бажариш муддати	Раҳбар белгиси
1.	Соҳа корхоналари билан илмий инновацион ҳамкорликни ривожлантириш асослари	28.02.2013	
2.	Соҳа корхоналари билан илмий инновацион ҳамкорликни ривожлантириш таҳлили	23.04.2013	
3.	Соҳа корхоналари билан илмий инновацион ҳамкорликни ривожлантириш истикболлари	28.05.2013	
4.	Хаёт фаолияти хавфсизлиги	31.05.2013	

Битирувчи _____ 2013 йил ____ июнь

Раҳбар _____ 2013 йил ____ июнь

Ушбу битирув малакавий ишда соҳа корхоналари билан илмий инновацион ҳамкорликни ривожлантириш асослари келтирилган. Соҳа корхоналари билан илмий инновацион ҳамкорликни ривожлантириш таҳлили амалга оширилган ва ривожлантириш истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

В данной выпускной квалификационной работе приведены основы научно инновационного сотрудничества с предприятиями связи. Произведен анализ развития научно инновационного сотрудничества с предприятиями связи и приведены рекомендации по перспективам развития.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	6
1. СОҶА КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ИЛМИЙ ИННОВАЦИОН ХАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ	
1.1. Соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорликни асосий куринишлари.....	
1.2. Олий ўқув юртларида инновацион фаолиятнинг мезон ва кўрсаткичлари.....	
2. СОҶА КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ИЛМИЙ ИННОВАЦИОН ХАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАҲЛИЛИ	
2.1. Таълим хизматлари бозорини ўрганиш бўйича маркетинг изланишлари тамойиллари.....	
2.2. Соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорликни ҳозирги ҳолати таҳлили	
3. СОҶА КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ИЛМИЙ ИННОВАЦИОН ХАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	
3.1. Инновацион тадбиркорлик – олий ўқув юртини ривожлантириш омили сифатида.....	
3.2. Илмий-инновацион ҳамкорликни янги йўналишларини яратиш.....	
4. ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ	
ХУЛОСА	
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ	
ИЛОВА	

КИРИШ

Ахборот коммуникация ва педагогик технологияларни жадал равишда ривожланиши, илм фан ва ишлаб чиқариш соҳаларини узвий алоқаларини мустахкамлаш ва уни такомиллаштириш бугунги кун давр талаби ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида илм, фан ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларини илмий-инновацион интеграциясини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу йўналишда мустахкам ҳуқуқий база шакллантирилган бўлиб, илмий-инновацион ҳамкорликнинг асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Иновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-916 сонли қарори келтириб ўтиш жоиздир.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда таълимни барча соҳаларини, шу жумладан олий таълимни тубдан ислоҳ қилиш йўли ишлаб чиқилди. Чунки мустақил Ўзбекистон Республикасининг жаҳондаги тараққий этган давлатлар сафидан ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун чуқур билимли, маънавияти юксак комил инсонларни тарбиялаш таълимни ислоҳ қилишни энг зарурий вазифаларидан бири қилиб қўйган эди. Келтирилганларни инобатга олган ҳолда ушбу битирув малакавий иши мавзуси долзарб масалалардан бирига бағишланганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Ишнинг мақсади. Ушбу битирув малакавий ишнинг мақсади соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорликни ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш ва уни кенгайтириш истиқболларини аниқлашдан иборатдир.

Ишнинг вазифалари. Танлаб олинган мақсаддан келиб чиққан ҳолда ишнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборатдир:

- соҳа корхоналари билан илмий инновацион ҳамкорликни ривожлантириш асосларини ўрганиш;

- соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорликни асосий куринишларини белгилаш;
- олий ўқув юртларида инновацион фаолиятнинг мезон ва кўрсаткичларини таърифлаш;
- соҳа корхоналари билан илмий инновацион ҳамкорликни ривожлантириш таҳлилини амалга ошириш;
- таълим хизматлари бозорини ўрганиш бўйича маркетинг изланишлари таомойилларини аниқлаш;
- соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорликни ҳозирги ҳолати таҳлил этиш;
- соҳа корхоналари билан илмий инновацион ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларини аниқлаш;
- инновацион тадбиркорликка олий ўқув юртини ривожлантириш омили сифатида таъриф бериш;
- илмий-инновацион ҳамкорликни янги йўналишларини яратиш.

Ишнинг объекти. Ишнинг объекти сифатида олий таълим муассасалари фаолияти (ТАТУ) олинган бўлса, ишнинг предмети эса соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорлик жараёни ҳисобланади.

Ишнинг назарий-услубий асоси. Бошқарув фани классикларининг асарлари, Ўзбекистонда иқтисодий ва таълим ислохотларини амалга ошириш билан боғлиқ қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Олий таълим тизимини модернизациялаш масалаларига бағишланган асарлари, мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг мазкур муаммонинг турли жиҳатларини ўрганишга бағишланган илмий ишлари, муаммога тааллуқли илмий, ўқув-услубий адабиётлари, жорий норматив актлар битирув малакавий ишга асос қилиб олинган.

Илмий ишда Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси томонидан эълон қилинган маълумотлар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус

таълим Вазирлиги, Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети ҳисоботлари, мавзу соҳасига доир тегишли ҳисоботлардан ахборот ва маълумотлар базаси сифатида фойдаланилган.

Ишнинг таркиби. Битирув малакавий иш кириш қисмдан, тўртта боб, фойдаланилган адабиётлар руйхати, хулоса ва иловалардан иборат.

1. СОҲА КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ИЛМИЙ ИННОВАЦИОН ХАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

1.1. Соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорликни асосий курунишлари

Мамлакатимизда шакллантирилаётган янгича бозор муносабатлари илм-фан даргоҳларининг ва шу жумладан, олий таълим беришга ихтисослашган муассасаларнинг фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу каби муассасалар ўз фаолиятининг пировард натижаларини тижоратчилик қонунлари асосида тадбиқ қилишга ўтмоқда. Мавжуд шарт-шароитларда миллий илмий муассасаларимизда ва олий ўқув юртларимизда яратиладиган илмий-инновацион маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотишга мослаштирилган тизимни шакллантириш таълим муассасаларининг функционал фаолияти самарадорлигини оширишнинг ҳамда бозор муносабатлари асосида ишлашга ўтишнинг муҳим шартларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “...Биз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айти пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ходисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шarti хисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз”¹ деб, республикаимизда бугунги кунда таълим соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган масалалар, жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари ҳақида тўхталиб, бу

¹ Каримов И.А. “Ўқсак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий этириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. Халқ сўзи 2012 йил 17 феврал.

жараёнда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълимда янги педагогик ва инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Бозор шарт-шароитларида ўз ҳаётий лаёқатини барқарор сақлашга интиладиган ҳар қандай олий таълим муассасаси пировард натижада илм-фан соҳасида ёки кадрлар тайёрлаш тизимида бирон бир янгиликни яратишга, янги ғояларни амалга оширишга, яъни ғояларнинг моддийлаштирилишига ҳамда бозорларда потенциал харидорларга сотилишига эришиши лозим. Олий таълим муассасаларининг фаолиятини тижоратчилик асосида йўлга қўйилиши уларни функционал вазифаларидан бирмунча чалғитиши мумкин албатта, аммо илмий-инновацион фаолият билан шуғулланиш охир оқибатда олий ўқув юртларига моддий жиҳатдан ўз-ўзини таъминлаш имкониятини яратиб беради.

Фан билан таълим жараёни алоқаларини тараққий эттириш, ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик масалалари Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида кўрсатилган. Дастурда кўрсатилишича, таълим жараёнининг фан билан алоқаларини ривожлантириш қуйидаги вазифаларни бажариш орқали таъминланади:

а) таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор амалий илмий-тадқиқотлар ўтказиш. Бу соҳадаги илмий-тадқиқотлар қаторига таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари узлуксиз таълим бўғинларида таълимни бошқаришда учрайдиган муаммолар ва уларнинг ечимлари, умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълими билан олий таълим тизими ўртасидаги узаро ҳамкорлик, олий таълим тизимини бошқариш, олий таълимнинг ундан кейинги таълим билан алоқадорлиги, узлуксиз таълим муассасаларида малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, таълим оловчилар ва таълим жараёни иштирокчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни такомиллаштириш, таълимни молиялаш, таълим ва кадрлар

тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш муаммолари, кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида учрайдиган муаммолар ва уларнинг ечимлари киритилади; б) фундаментал ва амалий фан соҳасидаги илмий кадрларнинг таълим жараёнидаги иштирокини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, таълимда ва фанда сифатли юксалишга эришиш, натижада юқори малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, илмий кадрларнинг тайёрлаш ва соҳа мутахассисларини таълим жараёнидаги иштирокини таъминлаш салмоқли аҳамият касб этади.

Соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси илмий-техник тараққиётининг устувор йўналишларига, халқаро тажрибалар ва ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, талаба(магистрант)ларнинг илмий савияларини ошириш ўқув машғулотларининг маълум бир қисми (маъруза, лаборатория, семинар ва амалий машғулотлар, малакавий амалиётлар)ни соҳа корхоналари базасида ташкил этиш, талабаларнинг битирув малакавий ишлари(БМИ)га, магистрантларнинг малакавий амалиётига, илмий-педагогик фаолиятига ва магистрлик диссертациялари(МД)га илмий раҳбарлар ва маслахатчиларни, Давлат аттестацияси комиссияси (ДАК) аъзоларини соҳа корхоналарида фаолият юритаётган илмий даражали мутахассислардан иборат бўлиши, қўмитанинг ҳудудларда жойлашган етакчи корхоналари, марказлари ва бўлимлари базасида олий таълим муассасаларининг кафедра филиалларини очиш, алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги корхоналар, бўлим ва марказларида олимлари ва мутахассислари иштирокида барча МД ва қисман БМИ химояларини ўтказиш назарда тутади. Илмий-инновацион

хамкорлик талаблари барча иштирокчилар томонидан тўлиқ ва тўғри бажарилса, қўмита ва унинг тизимидаги корхоналарда фаолият кўрсатиб келаётган олимлар ва етакчи мутахассисларнинг олий таълим муассасалари талаба(магистрант)ларига аудитория машғулотлари олиб бориш билан бирга курс ишлари(лойихалари)га, БМИ ва МДларига раҳбарлик, маслахат ва тақризлар беришлари, ДАК ишига раис, аъзо, тақризчи сифатида қатнашишлари, магистратура ва докторантурага кириш ҳамда докторлик имтихонларини қабул қилишлари, докторант ва илмий изланувчиларга илмий раҳбарлик, ва илмий маслахатчилик қилишларига эришилади. Натижада қўмита ва унинг таркибидаги корхоналарда ишлаётган етук олимлар ва мутахассислардан кенг миқёсда фойдаланилади, фанга (ўқув юкламалари хисобига) маблағ жалб этилади: Олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифати оширилади;

в) таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиқ келишини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида педагогика ва таълим соҳасида илмий-тадқиқотлар ва илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқишни фаоллаштириш.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси турлари ва хусусиятлари						
ОТМлари интеграцияси	Фанлараро интеграция	Фан ва таълим интеграцияси	Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси	Таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси	Таълим ва кадрлар тайёрлашда халқаро интеграция	Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси
Меъёрий ҳужжатларни биргаликда тайёрланиши	Фан қисм (бўлим)ларининг ўзаро боғланиши	ОТМларида илғор амалий-илмий тадқиқотлар ўтказиш	Ишлаб чиқаришнинг фаннинг илмий объекти сифатида қўлланилиши	Ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш, ривожлантириш	Кадрлар тайёрлаш бўйича халқаро ҳуқуқий базанинг яратилиши	Кадрлар тайёрлашда фан ва ишлаб чиқариш интеграцияларидан фойдаланиш
Биргаликда дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратилиши	Вертикал интеграция (фанлар ўтилишининг кетма-кетлиги)	Таълим сифати ДТС талабларига мос келишини илмий-тадқиқотлар асосида ўрганиш	Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда фаннинг иштироки	Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувватлаш	Халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини рўёбга чиқариш	Илмий ишларнинг ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиши
Илмий педагогик салоҳиятдан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик, тажриба алмашиш	Горизонтал интеграция (фанларнинг ўзаро алоқадорлиги)	Илмий кадрларнинг таълим жараёнига жалб этилишини таъминлаш	Ишлаб чиқариш буюртмаларини бажаришда фаннинг иштироки	Ишлаб чиқаришда кадрлар малакасини бевосита ошириш	Таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг халқаро микёсда эътироф этилиши	ОТМларининг кафедра филиалларида илмий-тадқиқотлар ўтказилиши
Муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, услубий ёрдам кўрсатиш	ОТМни ўқув-услубий, маънавий-ахлоқий ва молиявий бошқаришда ҳамкорлик	Ёшларнинг фан соҳасидаги ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш	Илмий-тадқиқотлар мавзуларини шакллантиришда ишлаб чиқаришнинг иштироки	Кадрлар тайёрлашда корхоналар салоҳиятидан фойдаланиш	Кадрлар тайёрлашга хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши	ОТМ ва ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишда фаннинг иштироки

1-расм. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси турлари ва хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасида таълим сифатини яхшилаш, уни давлат таълим стандартларига мувофиқ келишини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази олимлари ва етакчи мутахассислари илмий-тадқиқотлар ўтказиб, тегишли илмий-ўслубий қўлланмалар, илмий-амалий тавсияномалар, ишланмалар тайёрлаб. таълим тизимига жорий қилмоқдалар, даражасини баҳолашга замонавий ёндашувларни жорий этиш асосида олимларнинг мавқеи ва ижтимоий ҳақ-хуқуқларини ошириш; е) мамлакат фанининг халқаро илмий ҳамжамиятга интеграциялашувини фаоллаштириш, таълим доираси ва кадрлар тайёрлашн такомиллаштириш мақсадида илмий ютуқлар ва кадрлар алмашинувини ривожлантириш; ж) фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш, талабалар ва ёш олимларнинг илмий муваффакиятлари, ютуқлари учун махсус мукофотлар ва рағбатлантиришлар таъсис этиш, номдор стипендиатлар сонини ошириш, ёшларнинг илмий-техник ижодкорлигининг, мунтазам ҳаракатланувчи кўргазмалари ва экспозицияларини ташкил этиш.

Республикаимизда фан-техника тараққиётини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, илмий-тадқиқотларнинг баъзи йўналишлари ривожланишида илмий рағбатлантириш қониқарсиз эканлигини, илмий муассасалар моддий-техник базасининг бугунги ҳолати илмий жамоатчилиكنи ташвишга солаётганлигини олимлар, инженер-кадрлар томонидан олинаётган патент (ихтиро), лицензия(рухсатнома)ларнинг сонини йилдан-йилга паст даражада ўзгармай қолаётганлигини таъкидлаш лозим. Фан ва илмий-тадқиқотлар тизими, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида юз бераётган тўб ўзгаришлар таъсири остида қуйидаги концептуал асосларга таяниши, улар эса ўз навбатида у

тизимнинг ихчамлигини, эгилувчанлигини белгилаши, юқори даражадаги сифат ва жаҳон андозаларига мослигини таъминлаши ва уларнинг барчаси Миллий дастурда ўз ифодасини топиши лозим: а) фан, илмий-тадқиқотлар тизими ва изланишлар натижаларини кенг ишлаб чиқаришга жорий қилиш республикада миллий ғоялар бозорининг шаклланиши хусусиятлари ва техника ривожига рақобатнинг юзага келиши орқали руёбга чиқмоғи; б) фан ва техникани ривожлантиришда давлат сиёсати ва унинг тамойиллари ишлаб чиқилиши лозимлиги. Бу сиёсатни илмий изланишларни олиб бораётган барча субъектларнинг ўз ихтиёри, розилиги асосида ишлаб чиқилиши; в) тадқиқотчининг эркинлиги. У ўзининг илмий қизиқиши ва фанда гуманизм талабларига асосланган илмий-тадқиқотларнинг характери ва мақсадини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириши; г) тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотларнинг ошкоралиги; д) фан, илмий-тадқиқотлар ривожига устувор йўналишларининг белгиланиши; е) олимлар уюшмаларига ўз мақомларини ўзлари аниқлаш ҳуқуқининг берилиши; ж) халқаро илмий-техникавий ҳамкорликда эркин иштирок этилиши; з) фан-техника-ишлаб чиқариш боғлиқлиги ва ўзлуксизлигининг таъминланиши, ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашуви қўйидаги вазифаларни бажариш орқали ривожлантирилади: а) ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари(марказлари)ни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, замонавий асбоб-ускуналар ва аппаратлар билан жиҳозлашни рағбатлантириш; б) ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувватлаш; в) илғор технология соҳасида педагогик кадрларнинг малакасини бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб бориш; г) кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий-технологик ечимлар яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш. Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги мавқеини ошириш қўйидаги вазифаларни бажариш орқали амалга оширилади: а) ишлаб чиқаришнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб,

техника ва технологияларни тараккий эттиришнинг янги йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; б) педагогик кадрларнинг илғор технологиялар соҳасидаги малакасини бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам ошириб бориш; в) таълимни корхона(ташкилот)даги унумли меҳнат билан, шу жумладан, ишлаб чиқариш амалиёти жараёнидаги меҳнат билан қўшиб олиб бориш асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш; г) ишлаб чиқаришнинг юқори малакали кадрларини таълим жараёнига ва педагогик фаолиятга жалб қилиш; д) кадрлар тайёрлаш ҳамда биргаликда илмий-технология ишланмаларини олиб боришда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш; е) ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва технологик муаммоларини ҳал этиш учун олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларнинг илмий салоҳиятини жалб қилиш; ж) таълим олувчиларни меҳнат жамоаларида тарбиялаш (меҳнат, маънавий ва жисмоний тарбиялаш); з) ўзаро интеграцияланган таълим муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар ва аппаратлар билан жиҳозлаш; и) ишлаб чиқариш амалиётини утиш учун таълим олувчиларни иш жойлари билан таъминлаш. Ҳозирги даврда олий таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш ва фан билан ижодий ҳамкорлигининг ривожланиши муҳим масалалардан ҳисобланиб келинмоқда. Бу масалалар ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларининг тузилиши, олий таълим тизимида юқори малакали кадрлар тайёрланишида ҳамкорлик, ишлаб чиқаришда олий таълим муассасалари кафедралари филиалларини очиш, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда биргаликда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, давлат буюртмалари ва хўжалик шартномалари асосида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш, контрактация шартномалари (ишлаб чиқариш буюртмачилари, истеъмолчиларининг талаблари) асосида олий таълим муассасаларида талаба(магистрант)ларнинг

Ўқитилиши, ишлаб чиқариш корхоналарининг олий таълим муассасаларига васийлик, хомийлик ёрдамлари, кадрларни режалаштириш, таксимлаш, улар меҳнатидан унумли фойдаланиш йўналишларида олиб борилмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарининг олий таълим муассасалари билан ҳамкорликларини муассасаларни жихозлаш, таъмирлашдаги ҳамжихатликлари, ишлаб чиқариш ўқув лабораторияларини ташкил этилишида ёрдам беришлари ва бошқаларда кузатиш мумкин.

1.2. Олий ўқув юртларида инновацион фаолиятнинг мезон ва кўрсаткичлари

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг таълим сектори таркибига олий ўқув юртлари негизида фаолият юритувчи илмий-тадқиқот бўлинмалари киради.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистонда турли хил соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш ва илмий тадқиқотларни амалга ошириш билан боғлиқ фаолият тури билан олий таълим беришга ихтисослашган университет, академия ва институтлар каби таълим муассасалари шуғулланади.

Университет – турли фан соҳаларида фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш, кенг кўламли илм соҳасида олий таълим бериш, олий таълим муассасаларини тугатгандан кейинги даврларда таълим бериш, қўшимча таълим беришга ихтисослашган муассасадир. Университет мамлакат миқёсида маориф, илм-фан, маданият ўчоғига айланиб жамият аъзолари орасида маърифат тарқатишга хизмат қилади.

Академия – алоҳида турдаги олий таълим муассасаси сифатида илмий изланишларни амалга ошириш асосида маориф, фан ва маданиятнинг тараққий этишига ҳисса қўшади, шу билан бирга, олий таълим муассасаларини тугатгандан кейинги даврларда таълим бериш, қўшимча таълим бериш билан шуғулланади. Академия ўзининг ихтисослиги доирасида етакчи илмий ва услубий марказ функцияси бажаради ҳамда олий малакали мутахассисларни тайёрлайди, муайян соҳадаги раҳбарлар ва

мутахассисларнинг касбий жиҳатдан қайта тайёргарликдан ўтишини ва малакасини оширишини таъминлайди.

Институт – мустақил фаолият юритувчи олий таълим муассасаси ёхуд университет, академиянинг таркибига кирувчи алоҳида ташкилий бўлинма бўлиб, алоҳида илмий-техник, маданий ва фан йўналишлари бўйича профессионал таълим беришга, илмий изланишларни амалга оширишга ихтисослашган ташкилотдир.

Илмий тадқиқотларни амалга оширувчи ташкилий тузилмалар жумласига қуйидагиларни киритиши мумкин:

- Илмий-тадқиқот билан шуғулланувчи ташкилий бўлинмалар;
- Илмий-тадқиқот билан шуғулланувчи секторлар;
- тармоқлар миқёсида ёки марказлаштирилган тарзда алоҳида муаммолар устида иш олиб борадиган илмий-тадқиқот лабораториялари;
- илмий-технологик парклар;
- илмий ва илмий-услубий марказлар;
- илмий изланишларни амалга оширувчи бошқа хилдаги ташкилий бўлинмалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг таълим сектори таркибий жиҳатдан турли хил фан соҳаларида илмий изланишлар олиб бориш билан банд бўлган олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларнинг ходимларидан иборатдир.

Таълим муассасаларининг ходимлари деганда, қуйидаги категорияга мансуб кишилар назарда тутилади:

- таълим муассасаларидаги раҳбарлик лавозимидагилар;
- таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчилар лавозимидагилар;
- ўқув жараёнларини ташкил этиш учун масъул бўлган ташкилий бўлинмаларнинг ходимлари ва бошқа хилдаги персонал.

Таълим муассасалари ходимларининг штат жадвали бўйича эгаллаши лозим бўлган мансаблар рўйхати ташкилотларда амалда бўлган штат жадвали асосида белгиланади.

Илмий тадқиқот муассасаларининг ходимлари жумласига қуйидаги категорияга мансуб шахслар киритилади:

- Илмий ходимлар;
- Мутахассислар;
- Илмий изланишларга хизмат кўрсатувчи соҳа ишчилари.

Олий таълим муассасаларининг раҳбарлик лавозимидаги ходимлари жумласига ректор, проректорлар, молиявий-режалаштириш бошқармасининг бошлиғи, ўқув ишлари бошқармаси (унинг таркибига ўқув-услубий ишлар бўлими, аспирантура, докторантура, кадрлар билан ишлаш, халқаро алоқалар бўлими киради) бошлиғи, таълим беришни техник воситалар билан таъминлаш бўлими бошлиғи, бош бухгалтер, бош инженер (юрист), бош энергетик (механик), ректор ёрдамчиси, илмий котиб ва бошқалар.

Олий таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчилар лавозимидаги ходимлари жумласига факультет деканлари, кафедра мудирлари, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчилар, ассистентлар киритилади.

Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари илмий-педагогик ходимлар таркибига киритилади. Бу деган сўз, улар педагогик фаолият билан бир қаторда илмий изланишларни ҳам амалга оширадилар.

Олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнларини ташкил этиш учун масъул бўлган ташкилий бўлинмаларнинг ходимлари ва бошқа хилдаги персонал деганда, профессор-ўқитувчилар таркибига кирмайдиган, бироқ таълим жараёнларини уюштириш ва назорат қилиш билан машғул бўлган ходимлар, маъмурий-хўжалик ишлари билан шуғулланувчи ходимлари тушунилади.

Илмий ходимлар жумласига махсус малакага эга бўлган, илмий ёки илмий-техник фаолият билан профессионал даражада шуғулланувчи ходимлар, яъни кичик илмий ходим, илмий ходим, катта илмий ходим, етакчи илмий ходим, бош илмий ходим лавозимларини эгаллаб турган илмий ходимлар, илмий жараёнларга бевосита раҳбарлик қилувчи (шу жумладан,

илмий изланишларни олиб боровчи ташкилотлар, кичик бўлинмаларнинг фаолиятига раҳбарлик қилувчи) шахслар киради.

Мутахассислар бу маълум соҳа бўйича олий ёки ўрта профессионал таълим олган ва илмий, илмий-техник изланишлар жараёнларида бевосита иштирок этувчи ходимлардир.

Илмий соҳада фаолиятга хизмат кўрсатувчи ходимлар бу илмий ва илмий-техник изланишлар жараёнлари амалга оширилиши учун талаб этиладиган алоҳида шарт-шароитларни таъминлашга ёрдам берувчи ходимлар. Улар жумласига қуйидаги категорияга мансуб шахслар киради: режалаштириш - иқтисодий, молиявий ташкилий бўлинмаларнинг, патент хизматлари бўлинмаларининг, илмий-техник информация билан таъминлашга ёрдам кўрсатувчи бўлинмаларнинг, илмий-техник йўналишли кутубхоналарнинг ходимлари, ва ҳоказо ишчилар.

«Фундаментал илмий изланишлар» тушунчаси илм-фаннинг муайян соҳасида инсоннинг, жамиятнинг, табиатнинг тузилиши, функционал фаолияти ва ривожланиши қонуниятларини англаб етишга, янги илмий билимларни ҳосил қилишга ёрдам берувчи экспериментал ва назарий фаолият турини ифодалайди.

Амалий аҳамиятга молик бўлган илмий изланишлар жумласига ижтимоий ҳаётни такомиллаштириш учун хизмат қилиши мумкин бўлган янги илмий ғояларни амалиётда қўлаш хусусиятларини ва имкониятларини татбиқ қилишга қаратилган илмий изланишлар киритилади.

Экспериментал илмий изланишлар деганда, турли хилдаги илмий изланишларни амалга ошириш ёхуд амалий иш тажрибасининг бойитилиши давомида тўпланган билимларга таяниб, инсонларнинг ҳаётини ва соғлиғини муҳофаза қилишга ёрдам бериши мумкин бўлган янги материаларни, маҳсулотларни, тузилмаларни, хизмат турларини ёки ишлаб чиқариш усулларининг яратилиши, алоҳида жараёнларнинг ташкил этилиши, мавжуд иш принципларини такомиллаштириш мақсадини кўзлаб амалга ошириладиган фаолият тури тушунилади.

Ўзбекистон қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқ соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланганидек, интеллектуал мулкчилик соҳасида алоҳида илмий тушунчалар қўлланилади. Мазкур тушунчалар воситасида саноат соҳасига татбиқ этиладиган илмий изланишларнинг оқибат натижаси бўлган кашфиётларни ифодаланади. Улар жумласига қуйидаги асосий тушунчалар киритилади:

Ўзбекистон Республикасининг патенти – муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилувчи алоҳида турдаги ҳужжат бўлиб, яратилган янги ғояни, маҳсулотларни, моделларни, ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш учун ҳуқуқ беради. Мазкур ҳужжатни яна яратувчилик натижаларига интеллектуал мулк сифатида эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома, деб ҳам аташади.

Хорижий мамлакатларда бериладиган патент - яратилган янги ғоя, маҳсулотлар, модельлар, ишланмаларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқини тасдиқлаб хорижий мамлакатларда бериладиган ҳужжат.

Патент у берилган мамлакат миқёсидагина қонуний кучга эга бўлади. Айнан ўхшаш бўлган кашфиётларга (яратилган янги ғоя, маҳсулотлар, моделлар, ишланмалар) турли хил мамлакатларда берилган патентлар ҳуқуқий жиҳатдан мустақил ҳужжат ҳисобланади.

Қўллаб-қувватланувчи патентлар бу, жорий ҳисобот йили мобайнида қўллаб-қувватланувчи илмий кашфиётларга берилган патентлардир.

Лицензия – интеллектуал мулк эгаси бўлган шахс (лицензиар) билан ушбу кашфиётлардан амалда фойдаланишни истаган бошқа шахс (лицензиат) ўртасида тузиладиган алоҳида турдаги шартнома. Ушбу шартномага мувофиқ лицензиар маълум тарздаги мукофот учун лицензиатга шартномада белгиланган тартибда ва кўламларда қилинган кашфиётдан фойдаланишга рухсат беради.

Лицензиялар интеллектуал мулк ҳисобланувчи объектлардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун берилади. Бундан ташқари, интеллектуал

мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини бошқа бир шахсга бериш ҳамда «ноу-хаулар»дан фойдаланиш ҳуқуқини олиш ҳақидаги шартномалар фарқланади.

Саноат соҳасидаги турли хил объектларга нисбатан буюртмалар бу, муаллифлик ҳуқуқи берилишини сўраб Патент бюросига қилинадиган муурожаатнома таркибига кирувчи ҳужжатлар тўпламидир. Бу хилдаги вазиятда Ўзбекистон Республикасининг Патент бюросига келиб тушган буюртмалар миқдори эътиборга олинади.

Патент бюросидан патент олиш учун рўйхатдан ўтказилган ЭХМ учун тузилган дастурлар, маълумотлар базаси, интеграл микросхемалар топологияси республикамиз олий ўқув юртларида яратилган ва жорий йил давомида расман рўйхатга олинган худди шу каби янгиликлар миқдори эътиборга олинади.

Олий ўқув юртларида амалга ошириладиган илмий изланишлар илмий-тадқиқотчилик бўлинмаларида (турли хил фан йўналиши бўйича илмий изланишлар олиб боровчи лабораторияларда, олий ўқув юрти қошидаги илмий-тадқиқот институтларида) ҳар хил кафедраларда ишлайдиган профессор-ўқитувчилар томонидан бажарилади. Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг илмий тадқиқот изланишларида қатнашиши турли хил шаклларда амалга ошиши мумкин. Масалан, хўжалик ҳисоби асосида илмий изланишларга жалб этилиши, кафедралар миқёсида амалга ошириладиган тадқиқотларда қатнашиши, турли хил илмий лабораторияларда ўриндошлик асосида ишлаши, илмий ишларни ижтимоий асосда бажариши мумкин.

Фундаментал илмий тадқиқотлар инновацион жараёнларнинг асосини ташкил этади.

Янги техника (технологиялар)ни яратиш ва амалий жиҳатдан ўзлаштириш жараёнларининг иккинчи босқичини амалий аҳамиятга молик бўлган тадқиқотлар ташкил этади. Улар илгарироқ илм-фан соҳасида қилинган кашфиётларни, янги ғояларни, лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини излашга йўналтирилган бўлади. Амалий аҳамиятга молик илмий тадқиқотлар охир оқибатда мавжуд техник

муаммонинг ечимини излаб топишга, масаланинг аниқлик киритилиши лозим бўлган айрим назарий жиҳатларини ўрганишга, конкрет натижаларни олишга қаратилади. Амалий аҳамиятга молик илмий тадқиқотлар моҳиятан мустақил илмий изланиш ҳам бўлиши мумкин.

Тажриба-конструкторлик ишлари деганда, амалий аҳамиятга молик бўлган тадқиқотлар натижаларини мавжуд техникани, материалларни, технологияларни модернизациялаштириш, такомиллаштириш, янги модельларни яратиш мақсадларида қўлланилиши назарда тутилади.

Тажрибавий-конструкторлик ишлари ўз моҳиятига кўра илмий изланишларнинг сўнгги босқичи ҳисобланади. Бу босқичда лаборатория синовлари ва экспериментал ишлаб чиқариш шароитларида текшириб кўрилган илмий лойиҳалар саноат миқёсидаги оммавий ишлаб чиқаришга жорий этилади. Тажрибавий-конструкторлик ишлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: муҳандислик объектининг ёхуд техник тизимнинг (конс-трукторлик ишлари) муайян конструкциясини яратиш; янги объект учун асос бўладиган ғояларни ва уларни амалга ошириш вариантларини ишлаб чиқиш; физик, кимёвий, технологик ва бошқа хилдаги жараёнларни меҳнат жараёнлари билан биргаликда умумий тизимга бирлаштириш (технологик ишлар).

Илм-фан соҳасидаги инновацион фаолиятнинг сўнгги босқичи яратилган янгиликларни саноатда оммавий миқёсларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан боғлиқ. Ушбу жараён босқичи таркибий жиҳатдан икки қисмдан иборат: янгиликларни илмий ва ишлаб чиқариш миқёсида ўзлаштирилиши, яъни янги (такомиллаштирилган) маҳсулотларни амалда синаб кўриш, шунингдек, янги маҳсулотларни техник ва технологик жиҳатдан ишлаб чиқаришга тайёгарлик қилиш.

Яратилган инновацияларни амалий жиҳатдан ўзлаштириш жараёнида тажрибавий, экспериментал ишлар амалга ошириладигани, улар хилдаги ишларнинг бош мақсади янги маҳсулотларнинг намунавий нусхаларини тайёрлаш ҳамда уларни тажрибалар воситасида синаб кўришдан иборат.

Яратилган инновацияларни амалий жиҳатдан ўзлаштириш жараёнидан сўнг янги маҳсулотларни саноат миқёсида оммавий тарзда ишлаб чиқариш жараёнлари бошланади. Ишлаб чиқариш жараёнларида ҳаёлий тасаввур маҳсули бўлмиш билимлар моддийлаштирилади, илмий изланиш эса ўзининг мантикий яқунига етади. Бозор иқтисодиёти шароитида тажрибавий-конструкторлик ишларининг амалга оширилиши жараёнлари нисбатан жадалроқ кечади. Инновацион корхоналар одатга кўра тажрибавий-конструкторлик ишларини аввал саноат корхоналари билан шартнома тузиб амалга оширадилар. Бунда буюртмачилар ҳам буюртма ижрочилари ҳам амалга ошири-ладиган тажрибавий-конструкторлик ишлари мумкин қадар тезроқ амалиётга жорий этилиб, фойда келтиришини исташади. Бунинг учун эса инновацион маҳсулотлар мумкин қадар тезроқ потенциал истеъмолчиларга етказилиши шарт.

Шу ўринда муҳим бир қондани эслатиб кетмоқчимиз. Инновацион фаолиятни амалга оширишга киришганда мавжуд ресурсларни (инвестицияларни) тақсимлаш пропорцияларини аниқ белгилаб олиш учун интенсив ривожланувчи ишлаб чиқариш жараёнлари учун хос бўлган умумий қонуниятларга таяниб иш кўриш керак. Умумий сарф-харажатларни тақсимлашга оид статистик қонуният талабларига мувофиқ илмий изланиш-ишлаб чиқариш циклининг таркибий тузилиши қуйидагича белгиланади: фундаментал тадқиқотлар, амалий аҳамиятга молик бўлган тадқиқот ишлари, тажрибавий-конструкторлик ишлари, илмий-техник янгиликларни амалда ўзлаш-тириш учун сарфланадиган капитал қўйилмалари пропорцияларининг ўзаро нисбати 1:3:9:27 га тенг бўлади. Илмий-ишлаб чиқариш потенциали ресурсларининг бу каби тақсимланишини белгилаб берувчи статистик қонун амалий фаолият негизида юзага келадиган конкрет муаммоларни ҳал этиш зарурияти пайдо бўлган шароитлар учун хосдир.

Бизнинг мамлакатимизда илмий-ишлаб чиқариш потенциали ресурсларининг амалда мавжуд тақсимланиш пропорциялари мазкур соҳаларда жуда кучли ифодаланган диспропорциялар борлигини

кўрсатмоқда. Бизнинг фикримизча, илм-фан соҳасида яратилган янгиликларни оммавий миқёсларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун сарфланадиган харажатлар кўлами аслида илмий-ишлаб чиқариш цикли тузилмасининг ўзаро мувозанатли пропорцияларини таъминлаш учун талаб этиладиган даражадан 5 маротаба камдир.

Мазмун-моҳиятан мутлақо янги бўлган илмий ғоя асосида яратиладиган янги товарлар лойиҳасини яратиб, уни амалга оширилишини, ишлаб чиқарилаётган техниканинг техник-иқтисодий параметрларини такомиллаштирилишини, уларга турли хизмат кўрсатиш жараёнларини камраб олувчи фундаментал ва амалий аҳамиятга молик бўлган илмий изланишларни бошлаб яратилган янгиликлар маънавий жиҳатдан эскириб қолгани боис уларни амалиётдан чиқариб, ўрнига бошқа инновацияларнинг татбиқ этилишигача бўлган давр инновацияларнинг ҳаётий цикли деб аталади.

Инновацион жараён илмий жиҳатдан янгилик яратиш учун асос бўладиган фундаментал ғояни амалга ошириб, инновация тижоратчилик асосида реализация қилинишигача бўлган циклларни ўз ичига олади. Инновацион жараёнлар ИТТнинг бошқа хилдаги элементларига нисбатан кўпроқ бозор муносабатларига мос тушади. Бозор шарт-шароитида амалга ошириладиган инновацияларнинг аксарият қисми амалиётда дуч келинадиган турли хил муаммоларни ҳал этиш зарурияти туфайли тадбиркорлар томонидан амалга оширилади.

Ҳозирги пайтларда режали иқтисодиёт тизими даврида амал қилиб келган илм-фан, техник тараққиёт ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги изчил меросхўрлик муносабатлари бутунлай барҳам топган бўлиб, инновацион жараёнларнинг изчил ривожланишини таъминловчи, янги шарт-шароитларга мослаштирилган янги механизми шакллантирилиши лозим. Шу нарсани эътиборга олган ҳолда биз, мамлакатимизда шакллантирилаётган бозор шароитига мос келадиган мазкур механизмни яратиш борасида жаҳонда ва МДХда тўпланган иш тажрибасини ҳар томонлама ўрганиб,

миллий иқтисодиётимиз шарт-шароитларига мослаштириладиган механизмларни яратишга ҳаракат қилишимиз даркор, деб ҳисоблаймиз.

Энг муҳими шуки, «Илм-фан соҳаларида кичик тадбиркорликни ва янги иқтисодий тузилмаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари» деб номланган ҳаракат дастурининг асосий мақсади шаклланиб бораётган бозор муносабатлари шароитида республикамиз олий ўқув юртларининг фаолият самарадорлигини оширишдан иборат бўлади. Фаолиятнинг бош мақсадига эришиш учун эса кичик миқёслардаги илмий-техник тадбиркорлик тизимини ривожлантиришга асос бўлувчи инфратузилмалар шакллантирилиши керак. Ўз навбатида, бу хилдаги инфратузилмалар республикамиздаги инновацион жараёнларнинг ривожлантирилиши учун қулай муҳит яратиб беради.

2. СОҶА КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ИЛМИЙ ИННОВАЦИОН ХАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАҲЛИЛИ

2.1. Таълим хизматлари бозорини ўрганиш бўйича маркетинг изланишлари тамойиллари

Олий таълим соҳасидаги маркетингининг моҳиятини англаш учун таълим хизматлари бозоридаги маркетинг иштирокчилари: субъектлари, объектлари ҳамда таълим хизматлари ва истеъмолчилар орасидаги муносабатларни ўзаро узвий боғланган яхлит бир тизим сифатда қараш керак бўлади.

Олий таълим хизматлари маркетинги субъектлари сифатида қуйидагилар қабул килинган:

- олий таълим муассасалари (фаолият йўналишлари ва хизматлар турлари, маъмурий-бошқарув тури ва ҳудудий жойлашишидан қатъий назар);
- истеъмолчилар (талабалар, тингловчилар);
- иш берувчи-буюртмачилар (корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, турли тузилмалар);
- воситачилик тузилмалари (бандлик хизмати, меҳнат биржалари, таълим муассасаларини лицензиялаш /аккредитациялашни рўйхатга олиш идоралари ва ҳ.к.);
- жамоатчилик институтлари ва тузилмалари.

Олий таълим хизматлари маркетинги субъектлари орасида асосий истеъмолчи ҳисобланган талаба ва тингловчилар шахси алоҳида муҳим ўрин тутди, чунки у олий таълим олиш имкониятларидан нафақат моддий - маънавий манфаатларини, балки бевосита ўз шахсий эҳтиёжларини, аввало билим олишга бўлган талабини қондиришда фойдаланади.

Айнан шу талаба ва тингловчи таълим хизматларининг жонли соҳиби, фойдаланувчиси ва сўнгги истеъмолчиси бўлиб, у ўзи хохлаган таълим

йўналиши ёки мутахассисликни, ўқиш муддати ва жойини, уни молиялаш манбаи ва таълим шаклини, келгусидаги иш ўрни (ёки таълимнинг навбатдаги босқичини) ва эгалланган имкониятлар тизимидан қандай фойдаланишни танлайди.

Талаба ёки тингловчининг шахсий танлови туфайли, яъни олий таълим хизматлари маркетинги ва бозорининг марказий субъекти атрофида бошқа барча субъектлар учрашадилар ва ўзаро муносабатларга киришадилар.

Энг қизиғи, айнан шу марказий субъект - шахс таълим хизматлари маркетингида бошқа субъектларга қараганда энг ҳимоясиз, кам хабардор қилинадиган, ҳали яхши маълум бўлмаган субъектдир. Шунинг учун ҳам талаба ёки тингловчи шахси ахборотлар оқими ва таълим соҳасидаги барча келишувларда асосий ва кадрли иштирокчи бўлиши лозим.

Юқоридаги ҳолат ҳисобига олий таълим хизматларининг бошқа истеъмолчилари – иш берувчиларнинг ўрни ва аҳамияти аниқланади-ки, улар сирасига корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва бошқарув идоралари киради.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам олий таълим хизматлари истеъмолчилари бўлган иш берувчилар - корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- олий таълим муассасаларини, бошқарув тизимларини, воситачилар ва алоҳида шахсларни мутахассис кадрларга бўлган мавжуд эҳтиёждан (мутахассис кадрларга бўлган талабдан) хабардор қилиши;
- олий таълим хизматлари сифати ҳамда бўлғуси бакалавр ва магистрларга касбий ва эгалланадиган лавозими нуқтаи-назаридан алоҳида талабларни белгилаши ва ижро сифатини баҳолаши;
- битирувчилар-ёш мутахассисларнинг бўлғуси меҳнат фаолияти учун тегишли шарт-шароитлар яратиш ва иш ўринларини аниқлаш, уларнинг бажарилишини таъминлаш;
- кўрсатилган хизматлар учун сарфланган харажатларни тўлиқ ёки қисман қоплаш, тўлаш ёки ўрнини тўлдириш ва х.к.

Маркетинг - бу олий таълим муассасасини ички бошқаришнинг кандайдир ўзига хос усули, деган анча содда нуқтаи-назар кенг тарқалган. Агар шу нуқтаи-назар тўғри бўлса, унда таълим хизматлари маркетинги субъектининг ягона тури олий таълим муассасалари ҳисобланиб, маркетинг хизмати эса уларнинг ички ишлари бўлиб, давлат ҳам, таълим хизматлари истеъмолчилари ҳам бу жараёнга умуман алоқасиз бўлур эди.


Олий таълимда маркетинг муносабатларининг ҳақиқий иштирокчилари аслида фақат олий таълим муассасалари эмас, балки истеъмолчилар (алоҳида шахслар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар), воситачиларнинг кенг доиралари (бандлик хизмати, меҳнат биржалари, таълим муассасаларини лицензиялаш ва аккредитациялашни рўйхатга олиш идоралари ва ҳ.к.) ҳамда меҳнат бозорида таълим хизматлари ҳаракатига алоқадор бўлган жамоатчилик институтлари ва тузилмалари ҳисобланади.

Олий таълимда амалга оширилаётган ислохотлар таълим муассасаларида бакалавр ва магистр кадрлар тайёрлаш, уларни иш билан таъминлаш (бандлик) тизимига меҳнат бозорининг таркибий элементлари, хусусан, талаб ва эҳтиёжлар, уларга бўлган муносабатлар, мутахассис кадрлар ва хизматларнинг турлари, сифати ва рақобатбардошлиги кириб келишига, кадрлар тайёрлаш ҳамда битирувчиларни ишга тақсимлаш, тавсия этиш, йўллаш ва жойлаштириш жараёнларини замонавий менежмент ва маркетинг усуллари кўллаган ҳолда ташкил этишни талаб этмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг меҳнат бозорида маркетинг вазифаларига мутахассис кадрлар тайёрлаш сиёсати (таълим хизматлари ва сифатининг турлари), мутахассис кадрлар тайёрлаш харажатлари ва уларнинг мослашувчанлиги, коммуникация (реклама, жамоатчилик билан муносабатларни ташкил этиш, мижозлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш, кўрғазма ва ярмаркалар фаолияти), кўрсатиладиган хизматлар ва уларнинг ҳаракати, ходимлар муаммолари (уларни танлаш, ўқитиш, меҳнатини ташкил этиш ва рағбатлантириш) каби кўп қиррали фаолиятни амалга ошириш кўзда тутилади.

Олий таълим муассасалари амалиётида маркетинг хизматининг фаолияти қуйидаги 6 та йўналиш бўйича амалга оширилмоқда:

1. Меҳнат бозорини ўрганиш бўйича маркетинг изланишлари.
 2. Кадрларни мақсадли тайёрлаш ва битирувчиларга бўлган талабларни ўрганиш.
 3. Меҳнат бозорида реклама-ахборотни режалаштириш ва амалга ошириш.
 4. Битирувчиларни ишга тақсимлаш жараёни.
 5. Битирувчиларни ишга жойлаштириш жараёни.
 6. Ёш мутахассисларнинг меҳнат фаолияти ва уларни қўллаб-қувватлаш
- (2.1.-расм).



2.1.-расм. Ёш мутахассисларнинг меҳнат фаолияти ва уларни қўллаб-қувватлаш

Биз куйида олий таълим муассасасининг Маркетинг хизмати фаолиятида ҳар бир йўналиш бўйича амалга ошириладиган ишлар мазмуни ва моҳияти билан умумий тарзда танишиб чиқамиз.

Таълим хизматлари бозорини ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотлари олий таълим муассасасининг ўзида куйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

1.Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашнинг ДТС ва истеъмолчилар (талабалар, тингловчилар; буюртмачи иш берувчилар) талабларига мувофиқлиги.

2.Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари, аспирантура ва докторантура бўйича хизматлар хилма-хиллиги.

3.Кўрсатиладиган таълим хизматлари турларининг ҳажми ва уларнинг давомийлиги.

4.Таълим хизматларини кўрсатиш муддатлари ва шарт-шароитлари.

5.Абитуриентлар, талабалар ва тингловчиларнинг устувор кўрсаткичлари: демографик ва географик хусусиятлари, касбий йўналганлик ва таълимий тайёргарлик даражаси, тиббий ва психологик ҳолатлари ва ҳ.к.).

6.Буюртмачи иш берувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг таълим хизматлари бозоридаги имкониятлари ва устувор кўрсаткичлари.


7.Таълим хизматлари кўрсатиладиган манзиллар (олий таълим муассасасининг ўзида, унинг ҳудудлардаги филиалларида, буюртмачи-иш берувчи ташкилот ҳудудида ва ҳ.к.).

8. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим хизматларининг баҳоси, уларнинг ўзгариши, ҳақ тўлаш шакллари ва шарт-шароитлари (2.2.-расм).

Ҳар бир олий таълим муассасасида мазкур йўналишлардаги маркетинг изланишлари илмий ишлар бўйича проректор раҳбарлигида Маркетинг хизмати, факультетлар деканати ва мутахассислик кафедралари профессор-ўқитувчилари ва ходимларидан ташкил топадиган Илмий-иждодий гуруҳ

томонидан ўқув йили давомида мунтазам ўрганилиб борилиши лозим. Ўрганиш натижалари ҳар чоракда камида бир марта олий таълим муассасасининг Илмий кенгашида муҳокама қилиниб, ректорнинг буйруқлари асосида истиқболдаги муаммолар ечимлар ёки амалий тавсиялар ишлаб чиқирилиши лозим.

Бироқ аксарият олий таълим муассасалари амалиётида мазкур йўналишлар бўйича амалий маркетинг тадқиқотлари илмий-услубий асосда талаблар даражаси олиб борилмаяпти. Натижада баъзи олий таълим муассасалари раҳбарияти томонидан ўз таълим муассасасининг меҳнат бозоридаги рейтинги тўлиқ аниқланмаяпти, муассасани истиқболда ривожлантириш стратегияси ва тактикаси уйғун режалаштирилмаяпти.



2.2.-расм. Меҳнат бозорини ўрганиш бўйича маркетинг изланишлари

Мамлакатнинг энг катта бойлиги – инсондир. Республикамиз келажаги, унинг тараққиёти эса бугунги ёш авлод, айниқса олий таълим муассасалари талабаларининг ахлоқий фазилатлари, ақлий тафаккури, касбий билим ва кўникмалари ҳамда касбий-хаётий фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этадиган жамиятимизда уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиши, ўз салоҳияти ва қобилиятларини эркин намоён этиши ҳамда иш билан бандлигини таъминлаш учун шарт-шароит яратиш давлатимизнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган 60 та олий таълим муассасасининг ҳар бирида тегишли бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашнинг ҳақиқий аҳволи, битирувчиларнинг реал ҳаёт ва иқтисодиёт тармоқлари талаб-эҳтиёжларига бугун ва истикболда қай даражада жавоб бериши каби масалалар ҳар томонлама асосли ўрганилиши лозим.

Меҳнат бозорининг қонуни бўлмиш талаб ва таклифдан келиб чиқиб, бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари таркибига доимий ўзгартиришлар киритиш, лозим бўлса айрим таълим муассасаларини қайта ихтисослаштириш даркор. Таҳлиллар асосида ҳар бир олий таълим муассасасида таълим йўналишлари ва мутахассисликларига талаб-эҳтиёжлар бўлмаганларини қисқартириш ва янгиларини очиш бўйича таклифлар тайёрланди, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг олий маълумотли мутахассис кадрларга бўлган реал эҳтиёжлари тўғрисида маълумотлар тўпланади ва таклиф сифатида юқори ва тегишли ташкилотларга тақдим этилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 апрелдаги «Иқтисодиётнинг реал тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинган профессионал кадрлар тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Р-2961-сонли Фармойиши бўйича тузилган Республика комиссияси хулосаси асосда олий таълим муассасаларига 2013/2014 ўқув йилига қабул квоталари тасдиқланиб, «Олий таълим йўналишлари ва

мутахассисликлари классификатори»нинг ўзгартириш ва тузатишлар киритилган янги варианты ҳам ишлаб чиқилди.

Мазкур тадбирларни «бир марталик» иш деб қарамасдан ҳудудлардаги ҳокимиятлар ва тааллуқли вазирлик, идоралар билан ҳамкорликда мунтазам аврва дий равишда амалга ошириш талаб этилади.

2.2. Соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорликни ҳозирги ҳолати таҳлили

Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида илм, фан ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларини илмий-инновацион интеграциясини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу йўналишда мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилган бўлиб, илмий-инновацион ҳамкорликнинг асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Иновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-916 сонли қарори келтириб ўтиш жоиздир.

Юқорида келтирилган қарорни бажаришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини 2010 йил 17 апрелдаги ҳайъати йиғилишининг 3/2-сон ҳамда 2010 йил 25 декабрдаги 13/2-сон қарорларида қабул қилинди.

Белгиланган вазифалар ижросини самарали таъминлаш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш корхоналари билан инновацион корпоротив ҳамкорликни ривожлантириш кўзда тутувчи Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан 2013 йил 13 февралда 73-сонли “Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги корхоналари билан биргаликда амалга ошириладиган тадбирлар режаси” тасдиқланди. Режага

биноан ТАТУ ва соҳа корхоналари билан устивор вазифалар ва йўналишлар белгилаб олинган ва тадбиқ этилган.

Бугунги кунда университетнинг Иқтисод ва бошқарув Факултети таркибида бешта кафедра фаолият олиб бормоқда. Факултетда “Почта алоқаси технологиялари”, “Иқтисодиёт” ва “Менежмент” йўналишлари бўйича бакалавр, “Тармоқлар иқтисодиёти” ва “Менежмент” мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрланади.

Ахборот коммуникация ва педагогик технологияларни жадал равишда ривожланиши, илм фан ва ишлаб чиқариш соҳаларини ўзвий алоқаларини мустахкамлаш ва уни такомиллаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни белгилаб бермоқда.

Факултетда фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларни инновацион соҳага кенг жалб этиш, тайёрланаётган бакалавриатура ва магистратура талабаларида амалий кўникмаларини шакллантириш, таълим бериш сифатини ошириш, соҳа корхоналари билан илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш мақсадида кўйидаги йўналишларда амалий ишлар олиб борилмоқда:

-Битирув малакавий ва магистрлик диссертация ишлари мавзуларини соҳа корхоналари фаолияти билан боғлиқ муаммоли мавзулар асосида танлаб олиш;

- Битирув малакавий ва магистрлик диссертация ишларига раҳбарлик қилишга соҳада фаолият олиб боровчи илмий даражали ҳамда малакали ходимларни жалб этиш;

- Соҳада фаолият олиб боровчи илмий даражали ҳамда малакали ходимларни ўриндошлик асосида ишга жалб этиш;

- Битирув малакавий ва магистрлик диссертация ишлари мавзулари асосида хўжалик шартномаларини тузиш;

- Иқтидорли талабаларни моддий рағбатлантириш учун соҳа корхоналари стипендияларини жорий этиш;

- Талабаларни инновацион лойиҳалари ва ғояларини амалиётга жорий этишни таъминлаш мақсадида “Энг яхши битирув малакавий иш” ҳамда “Магистрлик диссертация ишлари” номинациялари бўйича танловлар ташкил этиш;

- соҳа корхоналари раҳбарлари билан давра суҳбатлари ташкил этиш;

- соҳа корхоналарини факультет битирувчиларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш;

- соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида кафедра филиалларини очишни ташкил этиш;

- соҳа корхоналарида қулланилаётган ахборотлашган тизимларни демо вариантларини ўқув жараёнига жорий этиш;

- магистрлик диссертация ҳамда битирув малакавий ишлар химоясини соҳа корхоналарида ташкил этиш;

- ижтимоий ёрдамга мухтож талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида соҳа корхоналари билан уч томонлама шартномалар тузиш;

- кафедралар илмий салоҳиятини ошириш мақсадида соҳа корхоналари хомийлигида иқтидорли битирувчи талабаларни нуфузли хориж олий таълим муассасаларига магистратурага ўқишга юбориш;

- иқтидорли талабаларнинг инновацион лойиҳаларини соҳа корхоналари фаолиятига жорий этиш.

Факультетнинг соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида белгилаб олинган асосий йўналишларда олиб борилаётган амалий ишларни алоҳида куриб чиқамиз.

Юқорида келтирилган устувор йўналишларни бажарилишини таъминлаш ҳамда ҳамкорлик ишларини амалга ошириш мақсадида ИБФдаги мутахассислик кафедраларида етук профессор-ўқитувчи, докторант, талабалар ва ишлаб чиқариш корхонаси вакиллари таркибидан иборат инновацион гуруҳ шакллантирилди ҳамда фаолияти йўлга қўйилди.

1. Битирув малакавий ва магистрлик диссертация ишлари мавзуларини соҳа корхоналари фаолияти билан боғлиқ муаммоли мавзулар асосида танлаб

олиш. Ушбу йўналиш бўйича амалий оширилган ишлар ҳақидаги маълумотлар 2.1-жадвалда келтирилган.

2.1-жадвалда келтирилган маълумотларга биноан соҳа корхоналарида магистрлик диссертация мавзулари бўйича 30 таклиф келиб тушган, бу талабалар сонига нисбатан қарийиб 2,5 баробар куп демакдир. Битирув малакавий ишлар бўйича таклиф этилган мавзулар сони 147 ташкил этган. Бу курсаткич ҳам юқори курсаткич ҳисобланади. 2012/2013 ўқув йилида бакалавриатура босқичида - 203 нафар талаба ҳамда магистратура босқичида - 12 нафар талаба ўқишни битириши режалаштирилган.

2.1-жадвал

2012/2013 ўқув йилида битирув малакавий ва магистрлик диссертация ишлари мавзуларини соҳа корхоналари фаолияти билан боғлиқ муаммоли мавзулар асосида танлаб олиш

Т.Р.	Корхоналар номи	МД мавзулар сони	МДга тавсия этилган раҳбарлар сони	БМИ мавзулар сони	БМИга тавсия этилган раҳбарлар сони
1.	“Ўзбектелеком” АК	25	2	67	12
2.	“Матбуот тарқатувчи” АК	1	1	3	1
3.	“Алоқабанк” ОАТБ	1	3	1	4
4.	“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ	-	-	36	21
5.	“Алском” СК	3	2	9	7
6.	UNICON.UZ. ДУК	-	-	31	4
Жами		30	8	147	49

Соҳа корхоналар фаолиятига боғлиқ муаммоли мавзуларни битирув малакавий ҳамда магистрлик диссертация ишларида кўриб чиқишда соҳада фаолият олиб боровчи илмий даражали ҳамда малакали ходимларни жалб этиш орқали амалга ошириш бажарилаётган ишлар сифатини таъминлайди. Шунинг учун соҳа корхоналари билан илмий инновацион ҳамкорликни кейинги босқичи сифатида битирув малакавий ва магистрлик диссертация ишларига раҳбарлик қилишга соҳада фаолият олиб боровчи илмий даражали ҳамда малакали ходимларни жалб этиш танланган.

2. Битирув малакавий ва магистрлик диссертация ишларига раҳбарлик қилишга соҳада фаолият олиб боровчи илмий даражали ҳамда малакали ходимларни жалб этиш. Ушбу йўналиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотлар 2.2-жадвалда келтирилган.

2.2-жадвалда келтирилган битирув малакавий ва магистрлик диссертация ишлари мавзулари соҳа корхоналари томонидан тақдим этилган мавзулар асосида бириктирилган. Факультет бўйича битирув малакавий ишларининг 62 %, ва магистрлик диссертация ишларининг 67 % раҳбарлари соҳа корхоналаридан бириктирилган. Ушбу кўрсаткич 2011/2012 ўқув йилида мос ҳолда 58 % ҳамда 64 % ташкил этганди.

2.2-жадвал

Битирув малакавий ва магистрлик диссертация ишларига раҳбарлик қилишга соҳада фаолият олиб боровчи илмий даражали ҳамда малакали ходимларни жалб этиш

Кўрсаткич номи	2011//2012 ўқув йили		2012/2013 ўқув йили	
	ТАТУ, %	Соҳа корхонаси,%	ТАТУ, %	Соҳа корхонаси,%
Бакалавриатура				
ИБФ бўйича жами	42 %	58%	38 %	62 %
Магистратура				
ИБФ бўйича жами	36 %	64%	33%	67 %

Таҳлиллар шуни курсатадики, соҳа корхоналарида битирув ишларига раҳбарлик натижасида бир нечта муаммоли масалалар ижобий ҳал этилмоқда, жумладан, битирув малакавий ҳамда магистрлик диссертация ишларини тайёрлаш сифати ошмоқда, битирувчи талабалар соҳани етук, малакали ходимлари билан ҳамкорлиги натижасида келгусидаги иш фаолиятини шу корхонада давом эттирмоқда.

Маълумки, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси жадаллик билан ривожланиб бормоқда, бу эса талабаларни соҳада бўлаётган ҳар бир узгаришни, ислохатларни чиқаётган ҳуқуқий меъёрий асосларни мазмун ва

моҳиятини теран англашларини тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда учинчи йўналиш сифатида соҳада фаолият олиб боровчи илмий даражали ҳамда малакали ходимларни ўриндошлик асосида ишга жалб этиш асосий мақсадлардан бири сифатида қаралмоқда.

3. Соҳада фаолият олиб боровчи илмий даражали ҳамда малакали ходимларни ўриндошлик асосида ишга жалб этиш; Факултетни илмий салоҳиятини ошириш, ёш иқтидорли педагог кадрларни тайёрлаш мақсадида 2011/2012 ўқув йилида 11 нафар соҳа корхоналари раҳбарлари, етук иқтисодчи-олимлар уриндошлик асосида ишга жалб этилган бўлса, 2012/2013 ўқув йилида бу кўрсаткич 13 нафарни ташкил этди.

Илм фанни ривожланиши бевосита ишлаб чиқариш билан интиграцион алоқалар асосида амалга оширилади. Ахборотлашган жамият шаклланаётган шароитда инновацияларни жорий этишнинг энг арзон ва қулай шакли бу талабаларнинг инновацион лойиҳаларидан кенг фойдаланиш ҳисобланади. Факультетнинг илмий инновацион ҳамкорлик доирасида амалга ошираётган ишларида бири бу битирув малакавий ва магистрлик диссертация ишлари мавзулари асосида хўжалик шартномаларини тузиш ҳисобланади.

4. Битирув малакавий ва магистрлик диссертация ишлари мавзулари асосида хўжалик шартномаларини тузиш.

Факультетда 2011/2012 ўқув йилида 105,7 млн.сўмлик илмий-тадқиқот ишлари бажарилган, 2012/2013 ўқув йилида 345.2 млн.сўмлик, жумладан, 1 амалий илмий тадқиқот иши (20,0 млн.сўм), 1 инновацион лойиҳаси (35,0 млн.сўм) ҳамда 6 хўжалик шартномаси (290,2 млн. сўм) бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ушбу маълумотлар 2.3-жадвалда келтирилган.

2.3-жадвал

Факультетда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари таҳлили

№	Кафедра номи	2012 й			2013 й		
		амалий	инновацион	хўжалик	амалий	инновацион	хўжалик
1	МваМ	20,0	-	27,4	20,0	35,0	86,0
2	Иқтисод	-	-	30,6	-	-	171,2

3	ПХА	-	-	20,3	-	-	33,0
4	Иқтисодиёт назарияси	-	-	-	-	-	-
5	Фалсафа	-	-	7,4	-	-	-
Жами		20,0	-	85,7	20,0	35,0	290,2

Ушбу лойиҳаларда 9 нафар профессор-ўқитувчи ҳамда 11 нафар талабалар иштирок этишмоқда. Талаба ёшларни илмий тадқиқот фаолиятига жалб этиш асносида таълим бериш сифатини ошириш, янги ғоялар ва хизмат турларини жорий этиш, битиувчиларни доимий иш билан таъминлаш, профессор-ўқитувчиларни ҳамда иқтидорли талабаларни моддий рағбатлантириш каби масалаларни ижобий ҳал этиш мумкин бўлмоқда.

Иқтидорли талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш уларни илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали соҳа корхоналарига сифатли, рақобатбардош кадрларни етиштириб бериш мумкин бўлади. Шу мақсадда кейинги йўналишимиз иқтидорли талабаларни моддий рағбатлантириш учун соҳа корхоналари стипендияларини жорий этишдан иборатдир.

5. Иқтидорли талабаларни моддий рағбатлантириш учун соҳа корхоналари стипендияларини жорий этиш.

Университетда таълим олаётган иқтидорли талабаларни илмий фаолиятини қўллаб қувватлаш, уларни моддий рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши, Ўзбекистон миллий телерадио компанияси, Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техник жамияти, “East Telecom” компанияси стипендиялари мавжуд бўлган бўлса, 2011/2012 ўқув йилидан бошлаб соҳа корхоналари билан интеграцион алоқаларни мустаҳкамлаш, иқтидорли талабаларни қўллаб қувватлаш мақсадида “Ўзбектелеком” АК ҳамда “Ўзбекистон почтаси” стипендиялари таъсис этилди. Бугунги кунда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил

этилган “Менежер” лойиҳасида факультетнинг 4 нафар иқтидорли талабалари иштирок этишмоқда. Утган икки ўқув йиллари мобайнида 18 нафар талаба турли соҳа стипендиялари ғолиби бўлган бўлса, факультетнинг 1 нафар талаба Беруний номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлди. FIKR.UZ блогсервериди ҳозирги кунда факультетнинг ёш ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари билан ҳамкорликда 2 та шахсий ва 1 та жамоавий блог очилган. Ҳозирда ушбу блогларда 30га яқин мақолалар жойлаштирилган.

Талабаларнинг инновацион лойиҳалари ва ғояларини амалиётга жорий этишни таъминлаш, талаба ва илмий раҳбарни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида соҳа корхоналари билан ҳамкорликни қушма қарорлар ишлаб чиқилган бўлиб. Бу қарорларни ижроси бевосита иқтидорли талабаларни ишланмаларини амалиётга жорий этишга дастурамал бўлмоқда.

6. Талабаларни инновацион лойиҳалари ва ғояларини амалиётга жорий этишни таъминлаш мақсадида “Энг яхши битирув малакавий иш” ҳамда “Магистрлик диссертация ишлари” номинациялари бўйича танловлар ташкил этиш.

Ушбу йўналиш бўйича соҳанинг йирик корхоналари билан қушма қарорлар ишлаб чиқилган бўлиб, бу эса ўз навбатида талабаларни илмий тадқиқот фаолиятига кенгроқ жалб этиш, талаба ва уларнинг илмий раҳбарларини моддий қўллаб-қувватлашни кузда тутди. Танловлар ҳақидаги маълумотлар 2.4-2.5-жадвалларда келтирилган.

2.4- Жадвал

“Энг яхши битирув малакавий иши” танловлари ҳақида маълумот

№	Номинация номи	Ҳамкор корхона номи	Мукофот миқдори
1.	«Телекоммуникация соҳасида энг яхши инновацион лойиҳа»	«Ўзбектелеком» АК	Талаба учун: Энг кам иш ҳақини 10 баробари Илмий раҳбар учун: Энг кам иш ҳақини 10 баробари
2.	«Энг долзарб илмий тадқиқот иши»	«Unicon.uz» ДУК	
3.	«Амалиёт учун энг аҳамиятли лойиҳа»	«Алоқабанк» ОАТБ	
4.	«Почта алоқаси соҳаси ривож учун энг аҳамиятли лойиҳа»	«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ	
5.	«Энг яхши битирув малакавий иш»	«Алском» СК	

6.	«Энг яхши магистрлик диссертацияси»		Талаба учун: Энг кам иш ҳақини 20 баробари Илмий раҳбар учун: Энг кам иш ҳақини 20 баробари
7.	«Энг яхши суғурта маҳсулоти»		Талаба учун: Энг кам иш ҳақини 15 баробари Илмий раҳбар учун: Энг кам иш ҳақини 15 баробари

Соҳа корхоналари фаолиятига тегишли маълумотлар базасига киритилган янги ғоялар, инновациялар, изланишлар йўналишлари бўйича илмий-технологик муаммолар банкини яратиш ва мунтазам янгилаб бориш мақсадида 2011 йилда бешта корхона билан “Энг яхши битирув малакавий иши” ҳамда “Энг яхши магистрлик диссертация иши” танловлари эълон қилинган ва қўшма қарор ҳамда танлов низомлари ишлаб чиқилди.

2.5-Жадвал

“Энг яхши магистрлик диссертация иши” танловлари ҳақида маълумот

№	Номинация номи	Хамкор корхона номи	Мукофот микдори
Магистратура талабалари учун			
1.	«Телекоммуникация соҳасида энг яхши инновацион лойиҳа»	«Ўзбектелеком» АК	Талаба учун: Энг кам иш ҳақини 15 баробари Илмий раҳбар учун: Энг кам иш ҳақини 15 баробари
2.	«Энг долзарб илмий тадқиқот иши»	«Unicon.uz» ДУК	
3.	«Амалиёт учун энг аҳамиятли лойиҳа»	«Алоқабанк» ОАТБ	
4.	«Почта алоқаси соҳаси ривож учун энг аҳамиятли лойиҳа»	«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ	
5.	«Энг яхши магистрлик диссертацияси»	«Алском» СК	
6.	Янги суғурта маҳсулотини ишлаб чиқиш		
			Талаба учун: Энг кам иш ҳақини 20 баробари Илмий раҳбар учун: Энг кам иш ҳақини 20 баробари

“Энг яхши суғурта маҳсулоти» Амалдаги суғурта маҳсулотининг такомиллашган варианттини ишлаб чиқиш		Талаба учун: Энг кам иш ҳақини 15 баробари Илмий раҳбар учун: Энг кам иш ҳақини 15 баробари
--	--	--

Танловни моддий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди ва мукофот жамғармаси энг кам иш ҳақиға нисбатан олинди. Бу эса талабалар ва уларнинг илмий раҳбарларини доимий равишда моддий қўллаб-қувватлаш имкониятини беради. Ушбу танловлар низомида яна бир банд борки бу бандда танловда ғолиб бўлган битирувчи талаба келгусида ўз ғояси ёки лойиҳасини амалга оширишга имконият топиши учун уша корхонада фаолият олиб бориши мумкин.

7. Соҳа корхоналари раҳбарлари билан давра суҳбатлари ташкил этиш;

Ҳар бир мутахассислик кафедраси ихтисослашувига мос замонавий корхоналар тўғрисида маълумотлар базаси шакллантирилган. Шу мақсадда 2011/2012 ўқув йилида 11 марта учрашувлар ташкил этилган бўлса, ушбу курсаткич 2012/2013 ўқув йилида 16 ташкил этди. Соҳа корхоналари раҳбарлари билан битирувчи курс талабалари, ёш ўқитувчилар ва тадқиқотчилар иштирокида учрашувларда соҳа иқтисодиётини ривожлантириш, корхоналарда мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш йуллари ва истиқболлари, янги техника ва технологияларни, хизматларни жорий этишдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йуллари муҳокама этиб борилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини истеъмолчилар талабидан келиб чиққан ҳолда сифат этиш сотиши талаб этилади. Олий таълим муассасаси ҳам ўз навбатида сифатли кадрлар тайёрлаш ва уларни мутахассислиги бўйича иш билан таъминлашга масъул ташкилот ҳисобланади. Соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорликни яна бир қуриниши бу соҳа корхоналарини факультет

битирувчиларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва битирувчиларни иш билан таъминлашдир.

8. Соҳа корхоналарини факультет битирувчиларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш.

Ушбу йўналишда ҳам бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида битирувчиларга бўлган эҳтиёж ва буш иш уринлари ҳақида маълумотлар базаси шакллантирилди. Соҳа корхоналарининг ёш мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ҳақидаги маълумотлар 2.6-жадвалда келтирилган.

2.6-жадвал

Соҳа корхоналарини факультет битирувчиларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш ҳақида маълумот

№	Корхона номи	Жами эҳтиёж	Иқтисодиёт	Менежмент	Почта хизмати
1	"O'zbekiston pochta" OAJ	81	6	6	69
2	"Matbuot tarqatuvchi" AK	8	6	2	0
3	"Uztelecom" AK	35	15	20	0
4	"Aloqabank" OATB	4	4	0	0
5	"UNICON.UZ" ДУК	2	1	0	1
6	"ALSKOM" СК	3	1	2	0
Жами		133	33	30	70

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, битирувчиларни қарийиб 65 % соҳа корхоналарида фаолият юритиш учун имкониятлари мавжуд экан. Бу йўналишдаги ишларни

самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор ишлар олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- ижтимоий ёрдамга мухтож талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида соҳа корхоналари билан уч томонлама шартномалар тузиш;

- кафедралар илмий салоҳиятини ошириш мақсадида соҳа корхоналари хомийлигида иқтидорли битирувчи талабаларни нуфузли хориж олий таълим муассасаларига магистратурага ўқишга юбориш;

- иқтидорли талабаларнинг инновацион лойиҳаларини соҳа корхоналари фаолиятига жорий этиш;

- соҳа корхоналарида қулланилаётган ахборотлашган тизимларни демо вариантларини ўқув жараёнига жорий этиш;

- магистрлик диссертация ҳамда битирув малакавий ишлар ҳимоясини соҳа корхоналарида ташкил этиш;

Факультетда соҳа корхоналари билан инновацион ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ижтимоий ёрдамга мухтож талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича уч томонлама шартнома ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда Алском СК томонидан (университетни битиргандан сўнг Алском суғурта компаниясида ишлаб бериш шарти билан) 2 нафар талабага тўлов-шартнома маблағлари университет ҳисобига ўтказилган. Бу йўналишлар ҳақида 3 бобда кенгроқ тухталиб утамыз.

9. Соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида кафедра филиалларини очишни ташкил этиш.

Соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда интеграцион алоқаларни мустахкамлаш мақсадида “Ўзбектелеком” АК билан илмий-инновацион ҳамкорликни доирасида 2013 йил 15 январ куни “Ўзбектелеком” АК базасида Менежмент ва маркетинг кафедраси филиали очилди.

Факультетнинг соҳа корхоналари билан илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш мақсадида қўйидаги йўналишлардан амалий ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- университетнинг профессор-ўқитувчиларини, шунингдек, барча магистр ва иқтидорли талабаларни инновацион лойиҳаларда иштирок этиши бўйича ишларни жадаллаштириш;

- Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда мавжуд илмий технологик муаммоларини ўрганиб чиққан ҳолда, инновацион лойиҳалар ташкил этиш;

- Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш тизимига тегишли корхоналар билан чегараланмасдан, бошқа соҳа давлат ва хусусий корхоналар билан ҳамкорликда инновацион лойиҳалар устида ишлашни ташкил этиш;

- университетда ташкил этилган «инновацион гуруҳлар» фаолиятини ривожлантириш, инновацион лойиҳаларга жалб этиш ва «инновацион гуруҳлар» фаолиятини назорат қилиб туриш;

- диссертация мавзуларини давлат қўмитаси таъсарруфидаги корхоналари ва ТАТУ профессор-ўқитувчилари ҳамкорликда мавжуд амалий муаммолари асосида танланиши мақсадга мувофиқ;

- ЎЗААТТДҚ корхона ва ташкилотлари ва ТАТУ нинг мос кафедралари билан замонавий ва инновацион технологиялар бўйича илмий техникавий ҳамкорликни кучайтириш;

- ихтисосликлар бўйича журнал ва электрон журналларга обуна бўлиш;

- Республикамиз учун янги долзарб ихтисосликлар бўйича кадр тайёрлаш учун МДХ ва чет элларда малака оширишини йўлга қўйиш;

- соҳа корхоналарида қўлланилаётган янги технологияларни, жумладан, Менежмент ва маркетинг кафедрасида “Microsoft Projects Laboratory” ҳамда Иқтисод кафедрасида “1С: Предприятия (1С:Бухгалтерия)” ўқув лабораторияларини ташкил этиш.

3.. СОҲА КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ИЛМИЙ ИННОВАЦИОН ХАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Инновацион тадбиркорлик – олий ўқув юртини ривожлантириш омили сифатида

Иқтисодиётни либераллаштириш жараёнида унинг муваффақияти ва шароитини яхшилашнинг энг муҳим шартларидан бири инновацион тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти усули бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “...Биз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айти пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ходисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз”² деб, республикада бугунги кунда таълим соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган масалалар, жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари ҳақида тўхталиб, бу жараёнда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълимда янги педагогик ва инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Инновацион тадбиркорлик янги рационализаторлик йўналишларини топиш ва ресурсларни фойдали томонга йўналтириш, ишлаб чиқаришнинг янги комбинацияларини ўзлаштириш, янги бозорларни эгаллаш, янги маҳсулотларни яратишдан иборат. Ушбу талабни тўлиқ қондирган ҳолда муваффақиятга эришиши асосида катта фойда олиш мақсадини кўзлаган ва иқтисодий фаолиятнинг у ёки бу доирасида янги маҳсулот ва технологияларни яратишдан иборат. Олдиндан кўра билиш, асосланган

² Каримов И.А. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий этириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. Халқ сўзи 2012 йил 17 феврал.

такаваккалчилик ва стратегик бошқарув тадбиркорликнинг ажралмас қисмидир. Шунинг учун инновацион тадбиркорлик замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириш омилига айланади.

Ташкилотни ўсиш туридан тадбиркорлик турига айланиши. Фаолиятнинг тадбиркорлик усули кенг тарқалган ўсиш усулидан тубдан фарқ қилади. Ташкилотнинг ички азалий одатларидан оз бўлса ҳам воз кечиш ва шунингдек, товар олиб келувчилар, шериклар, истеъмолчилар билан муносабатига йўналтирилган ташкилотнинг асосчилари (мулк эгалари, раҳбарият, акционерлар) тадбиркорлик усули ахлоқ, фаолият мотивациясида узоқ мақсадга йўналтирилган ўзгаришлар ҳамда ташкилий тузилмани бошқариш тизими, раҳбарларни тайёрларни даражаси ва мутахассисларни менежер ҳамда раҳбар сифатида тайёрлаш билан боғлиқ. Бу ўзгаришни акционерлик ва хусусийлаштириш натижасида пайдо бўлувчи ташкилотнинг хусусий мулкка янги муносабати жараёнида ўзлаштириш зарур.

Агар ташкилотда барқарор хулқ-атвори ўсиб боровчи усули ўрнатилган бўлса, у ҳолда сезиларли ўзгаришлар амалга оширишга шарт бўлмай, бозор иқтисодига шароитида унинг фаолиятида муваффақиятга эришиш имконияти пасайиб боради.

Тасаввур қилиш жоизки, инновацион тадбиркорлик усулига ўтиш учун қайси йўналишдан ҳаракат қилиш керак, ташкилотнинг характер фаолиятида ўсиш ва тадбиркорлик кўринишини таққослаймиз.

Ташкилот мақсади. Ўсиш ташкилотнинг иш шароитини замонавийлашуви шароитида фойданинг унга мос бўлишини тақозо этади. Инновацион тадбиркорлик фаолияти учун фойда имкониятини ўсишга эришишга ҳаракат қилишдан иборат. Технологияга янги киритилган, узулмас занжирга эга бўлгани каби, шунингдек, ташкилий жиҳатдан ҳам янгиликларга эга бўлиши керак.

Мақсадга эришиш йўллари. Ўсиш ҳолатидаги ташкилот аввалги тажрибасига суянади ва ҳозирги пайтдаги фаолияти шароитига мослашади. Инновацион тадбиркорлик кўринишидаги ташкилот эса инновацион

лойихалар асосида фойда олиш имкониятини баҳолаш ва бошқарув сифатини яхшилаш асосида мақсадга эришиш йўлини аниқлайди.

Чекловлар. Хулқ-атворнинг ўсиши жараёнида чегаралаш ташкилот доирасидаги воситалари ва ички имкониятлари билан аниқланади. Инновацион тадбиркорлик усули учун атрофдаги воситаларни ўзгартириш характерлидир (масалан, керакли лойихаларни ва технологик жиҳозларни танлаш ёки улар ўртасидаги ўзаро ҳаракат характерини ўзгартириш), янги иш ўринларини ташкил қилиш, ўзини бошқаришнинг ҳар хил усулларни ички ва ташкилотдан ташқари ҳолда (масалан, бозор талаби; рақобатига ўзини мослаш, рақобатнинг зарурлигини асоси сифатида қабул қилиш, инновация ва тадбиркорлик ҳаракати; профессор-укитувчиларни янгиликларни киритишга бўлган қаршиликларини ижтимоий йўналтирилган ҳолда бартараф этиш ва шу кабилар).

Тақдирлаш ва жазолаш тизими.

Ўсиш ҳолатидаги ташкилотда барқарорлик кенгайтирилади. Ўсиш ҳолатидаги ташкилот ижодкорлик ва ташаббус кенгайтирилади ва ташаббускорликни ривожлантиришга бўлган тўсиқлар ва қаршиликлар қораланади.

Ахборот. Ўсиш шароити учун фаолият натижалари ва ишнинг жараёни ҳақида ички маълумот ва узоқ муддатли ташқи истиқбол имкониятлар кўлами белгиланади. Инновацион тадбиркорлик усули учун имкониятлар ҳақидаги ички маълумот ва глобал даражадаги имкониятлар ҳақидаги ташқи маълумот талаб этилади.

Муаммо хусусияти. Хулқ-атвордаги ўсиш такрорланадиган таниш муаммолар доирасидан чиқмайди. Инновацион тадбиркорлик хулқи янги, такрорланмас муаммолар билан иш олиб боради.

Раҳбарлик усули. Раҳбарликда ўсиш ва машҳурлик учун ҳаракат ва эришишга ягона ёндашув характерлидир. Инновацион тадбиркорлик омили учун эса таваккалли ҳаракатларни йўлга қўйиши ва персонални янгиликларни қабул қила олишига эришишидан иборат.

Ташкилий тузилма. Ўсиш ҳолатидаги ташкилот учун доимий ва кенгаювчи тизим ва ташкилий фаолият ресурсларини қайта ишлаш жараёнида техника билан мослиги хусусиятлидир. Фаолиятнинг ҳар хил кўринишлари (таълим хизмати, маркетинг, янги лойихалар ва бошқарув, ва ижтимоий ривожланиш) узвий боғланган.

Бошқарув муаммоларини ҳал қилиш. Ўсиш ҳолатида кеч қолиш билан ҳаракат қилишни тан олиш, пайдо бўлаётган муаммони кўрсатишдир. Бунга муқобилини танлаш ўтган тажрибага асосланади. Талабгорларнинг эҳтиёжини қондириш учун ягона муқобили кўриб чиқилади. Инновацион тадбиркорликда фаол имкониятларни қидириш ва муаммоларни олдиндан кўриш характерлидир. Муқобилини ижодий танлаш ва излашда катта ўзгаришларни келтириб чиқарувчи қарорлар қабул қилиш учун фаолият олиб бориш лозим бўлади. Кўплаб муқобилларини кўриб чиқиш орқали энг яхшиси танлаб олинади.

Таваккалчиликка муносабат. Оддий ташкилот учун ўтган тажрибага асосланган ҳолда таваккални камайтиришга эришиш характерлидир. Инновацион тадбиркорлик хулқ-атвори учун эса янги таваккални яратиб боришга бўлган мойиллик ва таваккалликнинг жами вариантларни тенглаштириш характерли. Тадбиркорлик хулқ-атворини баҳолаш даражаси икки хулқ турларини таққослаш асосида амалга оширилиши мумкин. Агар ўсиш ҳолатидаги ташкилот ҳамма тавсифлар бўйича -5 балл тўпласа, инновацион тадбиркорлик хулқ-атвори эса баҳо +5 балл, аралаш ҳолатда эса баҳо интервали -5+5 балл ўртасида бўлади. Нолдан юқори балл бу хусусиятнинг ташкилот тадбиркорликка яқин деган маънони англатади. Ташкилотга ташкилий хулқ-атвор баҳоси ўз хулқини қандай усул билан алмаштириш кераклиги имкониятини беради.

Инновацион тадбиркорликнинг ривожланиши кўп омилларга боғлиқ, улар орасида муҳим аҳамиятга эга бўлган инновацион доирадаги тадбиркорликнинг ташкилий шакллари мавжуд. Ижтимоий-иқтисодий фаолият ҳар-хил шаклларнинг ривожланиши даражаси ва босқичининг

аҳамияти уларнинг ташкилий ривожланиш даражаси ва ташкилотга боғлиқ. Ташкилотнинг ички тартиб тизими, унинг бўлимлари билан ўзаро ҳаракатни, жараёнлар ва ҳаракатлар мослигини, бўлимлар ўртасидаги тўлиқ ўзаро алоқа ва таълим йўналтирилганлигини характерлайди. Ижтимоий фаолият даражасида ташкилот кишиларнинг бирлашишини, у ёки бу дастурларнинг аниқ мақсадга эришиши жараёнида бирга ишлаб чиқиш, ўрнатилган ҳуқуқ-атвор нормалари ва қоидаларига мос ҳаракат қилишни намоён этади. Ташкилий ривожланиш даражаси учун мақсадни амалга оширишда самарадорлик катта аҳамиятга эга. Ташкилий ривожланиш даражасида синергетик натижа элементларни бўлинган қисмлари йиғиндиси уларнинг ташкилотдан ташқаридаги тарқоқ қисмларининг фаолиятини таъминлайди. Кибернетикада объектларнинг тизимли ривожланиш даражаси сифатида ташкилотнинг ривожлантиришдаги объектларининг асосий ғоялар муаммосини ўрганиш ўз ифодасини топган. Ташкилот бошқариш жараёни ва таркибий тизими, уларнинг турфа даражаси ўртасидаги инновацион ўзаро ҳаракатни намоён этади. Инновацион тадбиркорликнинг ташкилий тузилмалари амалга оширишда ташкилот шакллари, инновацион фаолият ташкилий усуллари катта аҳамиятга эга. Инновацион тадбиркорликда ташкилий шаклларни инновацион ғояларни амалга оширишни ҳал қилишда рол ўйнайди. Инновацион ғоя инновацион тадбиркорликнинг фақат бошланғич босқичини кўриб чиқади. Уни амалга ошириш эса ташкилий тузилма билан боғлиқ.

Бугунги кунда дунёда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг инновацион омили сифатида инновацион тадбиркорликнинг турфа ташкилий шакллари кенг ривожланмоқда. Шаклларнинг ҳар хиллиги, инновацион ташкилий тизим инновацион фаолиятнинг асосларини ўзгартирилган кўламда инновация билан боғлиқ инновацион лойиҳалар таклифи доирасини аниқлайди. Инновациянинг ташкилий шакли ёки инновацион ташкилотнинг умумий яқинлашуви алоҳида корхона сифатида ёки унинг бўлимлари, ёки мажмуавий корхона, аниқ иерархик таркибий қисм ва бошқарув механизми

фаолиятини хусусиятини белгиловчиси сифатида кўриш мумкин, инновациянинг зарурлиги асосланган, инновацион ғоялар базасининг пайдо бўлиши, инновацияни амалга ошириш мақсади билан ташкилий инновацион жараёнлар ва технологияни қўллаш ва аниқлашни таъминлайди. Замонавий инновацион ривожланиш тажрибаси инновацион тадбиркорлик ташкилий шаклининг ҳар хиллиги фарқланади.

- яратилган инновациянинг асослари – янги техника, янги технология, янги материаллар, янги қарорлар, янги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларининг киритилиши;

- инновацион жараённинг эгалланган кенглиги: фундаментал тадқиқот ўтказилган илмий-тадқиқотларнинг қайта ишланиши лойиҳанинг ишлари тажрибалари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва амалга ошириш;

- бошқарув даражаси – халқаро, республика миқёсида тармоқли, минтақавий, ташкилотлар уюшмаси, ташкилот, бўлим;

- тузилмали бўлимини ҳудудий жойлашиши ҳар хил географик ва иқтисодий минтақалар ёки битта туманда;

- ташкилот бўлимларининг иерархик шакллари алоқалари – вертикал, горизантал, аралаш;

- инновацион тадбиркорликни амалга ошириш шакллари – фан, саноат ишлаб чиқариш, аграр сектор, социал доира, экология, гуматинар муаммолар;

- инновацион тадбиркорликнинг субъектлари – жисмоний шахс, юридик шахс, вазирлик, олий уқув юртлари, марказлар, маблағли ишлаб чиқариш гуруҳлари;

- ишланган инновацион тадбиркорликнинг характери – мажмуавий кенг олий таълим тизимидаги информацион технологиялар, жиҳозлар, ишловчи материаллар ва таркибий базаси, ишловчи ва тугалланган лойиҳалар, ишлаб чиқилган маълумотлар ва дарсликлар, уқув кулланма, монографиялар билан таъминлаш, тавсиялар усули;

- ижрочилар бирлашмаси усуллари – вақтинчалик жамоалар, мутахассислаштирилган соҳалардаги ижодий жамоалар, фонднинг ҳар хил турлари, инкубаторлар, технопарклар, технополислар.

Замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тезлаштирилиш аҳамиятли даражада инновацион жараённинг самарадорлиги билан боғлиқ. Ўз навбатида инновацион жараённинг самарадорлиги инновацион бизнес ташкилий тузилмасининг мустаҳкамлиги, инновацион тадбиркорлик билан аниқланади. Инновацион тадбиркорликнинг авзаллиги инновацион ғояларни қидиришга интилиш, янги лойиҳаларни амалга оширишга интилиш ва қайта ишлаш адекватив ташкилий механизмларни талаб қилади. Инновацион тадбиркорликнинг ташкилий шакллариининг мустаҳкамлиги унинг авзаллигини капитал ишлаб чиқаришнинг анъанавий усуллари билан аниқланади. Инновацион тадбиркорликнинг ташкилий тузилмасининг мустаҳкамлиги инновацион жараённинг аниқ топшириқларини ривожланишини, захиралар билан таъминланганлиги, аниқ маълумот баъзасига эгалиги, инновацион лойиҳани амалга ошириш доирасини кўрсатади. Айнан шу пайтда инновацион тадбиркорликнинг ташкилий тизими умумий хусусияти ҳамда уларда таваккал омилининг ўзлаштирилиши, мақсадга эришишида ноаниқлик ва охирги натижалар билан боғлиқ.

Ҳозирги пайтда жаҳон тажрибасида инновацион тадбиркорлик, инновацион фаолият кўп қиррали ташкилий шаклларни намоён этади. Улар ўртасида кенг тарқалганлари қуйидагилар:

- юз кишигача одамлари бўлган майда корхоналар ва йиллик ишлаб чиқариш инновацион маҳсулот АҚШ долларида беш миллионгача;

- ўртача инновацион корхона – бандлик юздан минггача одам ва йиллик даромад АҚШ долларида беш млн.дан эллик млн.гача;

- юқори корхоналар – бандлик мингдан ошиқ ва ишлаб чиқариш хажми эллик млн.дан ортиқ АҚШ доллари.

Олий таълим юртларида инновацион тадбиркорликни ривожлантириш асосида илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ҳамда илмий педагогик кадрларни тайёрлаш сифатини оширишга эришилади. Бу эса провард натижада олий таълим юртларини ўз ўзини молиялаштириш тизимида ўтишини тезлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

3.2. Илмий-инновацион ҳамкорликни янги йўналишларини яратиш

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, бизнинг аجدодларимиз илм – фанни ривожига катта эътибор берганликлари, унинг турли соҳалари бўйича буюк даҳоларни етиштириб, юртимизни жаҳон илмининг, уни тараққиётининг марказларидан бирига айлантирганликларига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Шу уринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида “Ҳаётимизнинг маъно – мазмуни, мақсадлари ўзгариши билан халқимизнинг, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, фикрлаши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётганини ва бундай ижобий ўзгаришлар бугунги ва эртанги ютуқларимизга мустаҳкам замин туғдираётганини катта мамнуният билан таъкидлаймиз”³, деб ёш авлод ҳақида тўхталиб ўтди.

Республикаимиз миқёсида амал қилувчи инновацион муҳитнинг яратилиши баробарида маҳаллий олий таълим муассасаларининг инновацион фаолиятини фаоллаштириш объектив эҳтиёжга айлангани пировардида биз амалга ошираётган илмий ишнинг долзарблигини белгилаб беради.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда таълимни барча соҳаларини, шу жумладан олий таълимни тубдан ислоҳ қилиш йўли ишлаб чиқилди. Чунки мустақил Ўзбекистон Республикасининг жаҳондаги тараққий этган давлатлар

³ Каримов И.А. Мустақиллик биз учун – ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир. “Mahalla” газетаси. 2009 йил 2 сентябрь, 1-бет

сафидан ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун чуқур билимли, маънавияти юксак комил инсонларни тарбиялаш таълимни ислоҳ қилишни энг зарурий вазифаларидан бири қилиб қўйган эди. Айниқса инқироз таъсири шароитида малакали иқтисодчи мутахассисларга эҳтиёж ортиб бормоқда, бунда малака ва янги иқтисодий қалтисликларга тез мослаша оладиган олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш тизимида янги ёндашувлар ва талқинларни ишлаб чиқишни давр тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Иновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-916 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Риёсатининг 2010 йил 29 мартдаги 20-сон мажлиси баёни 1.17 бандида белгиланган топшириқлар асосида 2010 йил 17 апрелдаги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати йиғилишининг 3/2-сон ҳамда 2010 йил 25 декабрдаги 13/2-сон қарорларида белгиланган вазифалар ижросини самарали таъминлаш мақсадида Тошкент Ахборот Технологиялари Университети (ТАТУ) алоқа ва ахборотлаштириш корхоналари билан инновацион корпоротив ҳамкорликни ривожлантириш амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан 2011 йил 12 январ 07-8/162-сонли “Тошкент Ахборот Технологиялари Университетининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхоналари билан биргаликда амалга ошириладиган тадбирлар режаси” янгиланиб, Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан 2013 йил 13 февралда 73-сонли “Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги корхоналари билан биргаликда амалга ошириладиган тадбирлар режаси” тасдиқланди. Режага биноан ТАТУ ва соҳа корхоналари билан устивор вазифалар ва йўналишлар белгилаб олинди ва амалиётга тадбиқ этилиб келинмоқда.

Бугунги кунда соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорликни ривожлантириш, молиявий маблағлардан самарали

фойдаланиш мақсадида “Янги технологияларни модернизациялаш ва тадбиқ этиш Жамғармаси”- инновацион фонди ташкил этилди. Ушбу жамғармани асосий мақсади соҳа корхоналар билан тузилган хўжалик шартномаларидан келиб тушган маблағлардан самарали фойдаланган ҳолда илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришдан иборатдир. Маълумот урнида шуни таъкидаб утиш лозимки, 2011/2012 ўқув йилида факультетда тузилган хўжалик шартномалари ҳисобидан 40.0 млн .сўм инновацион фондга келиб тушган бўлса, 2012/2013 ўқув йили мобайнида тузилган 6 шартномалардан 70.0 млн.сўм маблағ фондга ажратилиши режалаштирилган.

Олиб борилган тадқиқот иши натижасида соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари белгилаб олинди. Бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш асносида илмий-инновацион ҳамкорликни янги шаклига утишга имконият яратилади. Энди бевосита соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини алоҳида кўриб чиқамиз:

1. “Янги технологияларни модернизациялаш ва тадбиқ этиш Жамғармаси”- инновацион фондига келиб тушадиган маблағлардан самарали фойдаланиш механизмини яратиш; бу жараён ўз ичига қўйидаги мақсадларни қамраб олиши лозим: а) илмий тадқиқот фаолият билан шуғулланувчи профессор-ўқитувчиларни қўшимча моддий рағбатлантириш; б) талабаларни инновацион лойиҳаларини молиялаштириш; в) кафедралар моддий-техник базасини такомиллаштириш; г) янги дарслик ва ўқув қуланмалари яратишни молиялаштириш; д) таълим тизимида АКТ жорий этишга кўмаклашиш;

2. Ижтимоий ёрдамга мухтож талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида соҳа корхоналари билан уч томонлама шартномалар тузиш.

Факультетда соҳа корхоналари билан инновацион ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ижтимоий ёрдамга мухтож талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича уч томонлама шартнома ишлаб чиқилди. Бугунги кунда Алском СК томонидан (университетни битиргандан сўнг Алском суғурта компаниясида ишлаб бериш шarti билан) 2 нафар талабага тўлов-

шартнома маблағлари университет ҳисобига ўтказилган. Бу йўналишнинг асосий мақсад ва вазифалари қўйдагилардан иборат;

- университетда тўлов шартнома асосида тахсил олаётган кам таъминланган ҳамда чин етим талабаларни тўлов шартнома пулини хомийлик асосида тўлашни таъминлаш;

- талабаларни корхона фаолиятини ривожлантиришга оид илмий тадқиқот лойиҳаларида қатнашишига амалий ёрдам бериш;

- талабаларни ўқув таништирув, ишлаб чиқариш ҳамда битирув олди малакавий амалиётини корхона ёки унинг филиалларида ўтишига шароит яратиш;

- талабаларни битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертация ишини тайёрлаши ва ҳимоя қилиши учун зарурий маълумотлар билан таъминлаш;

- талабаларни университетда ўқишдан бўш вақтида корхонада фаолият олиб боришига шароит яратиш;

- талабаларни университетни битиргандан сўнг корхонада камида 3 йил фаолият олиб бориши учун шароит яратиш;

- ҳар ўқув йилида тўлов шартнома шартини бажарувчи корхона фаолиятини ривожлантириш бўйича хориж, республика ҳамда университетда ташкил этиладиган илмий анжуманларда камида 3 мақола ва тезислар билан қатнашишни таъминлаш;

- ҳар бир семестр мобайнида ўзлаштириш кўрсаткичи камида 72 % ташкил этишига эришиш;

- тўлов шартнома шартини бажарувчи корхона фаолиятини ривожлантиришга оид илмий тадқиқот лойиҳаларида қатнашиш.

3. Кафедралар илмий салоҳиятини ошириш мақсадида соҳа корхоналари хомийлигида иқтидорли битирувчи талабаларни нуфузли хориж олий таълим муассасаларига магистратурага ўқишга юбориш;

Маълумки, ахборот технологиялари инсоният ҳаётига жадал кириб бораётган бир шароитда талабаларга таълим беришда замонавий ахборот

технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда хориж тажрибасини чуқур ўрганиб янги билим ва назарияларни ўз вақтида етказиб бериш алоҳида аҳамият касб этади. Демак, бу йўналишда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш давр талаби ҳисобланади. Юқорида келтирилганларни инобатга олган ҳолда кафедралар илмий салоҳиятини ошириш мақсадида соҳа корхоналари хомийлигида иқтидорли битирувчи талабаларни нуфузли хориж олий таълим муассасаларига магистратурага ўқишга юбориш бўйича уч томонлама шартнома лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу лойиҳани синовдан утиши бўйича дастлабки куруниши “Почта хизматини автоматлаштириш” кафедраси мисолида амалга ошириш кўзда тутилмоқда. “Ўзбекистон Почтаси” ОАЖ ва “Матбуот тарқатувчи” АК фаолиятини янада ривожлантириш, унинг истиқболини белгилашда малакали кадрлар билан таъминлаш, почта алоқаси технологиялари йўналишида жаҳоннинг энг илғор фан ва технологиялари ютуқларини жорий қилган хорижнинг етакчи олий ўқув юртлирида мутахассисларни қайта тайёрлаш мақсадида, “Ўзбекистон Почтаси” ОАЖ ва “Матбуот тарқатувчи” АКда ишлаб келаётган, бакалавр босқичини тамомлаган, олий маълумотли, ёш, иқтидорли ва ташаббускор ходимларни тайёрлаш борасида хориждаги етакчи олий ўқув юрти билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги таклифини киритилмоқда.

Бу борада, 1920 йилда ташкил этилган ва ҳозирги кунда нафақат МДХ мамлакатлари балки, жаҳонда “Почта алоқаси технологиялари” йўналишида мутахассисларни тайёрлайдиган етакчи олий таълим муассасаси ҳисобланадиган Украина Республикаси Одесса миллий алоқа академияси билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқ деб топилмоқда. Ушбу лойиҳани амалга ошириш бевосита кафедранинг илмий салоҳиятини юксалтиришга замин яратади.

4. Иқтидорли талабаларнинг инновацион лойиҳаларини соҳа корхоналари фаолиятига жорий этиш;

Тадқиқотлар шуни курсатадики, Жанубий Корея Республикасида ҳар йили талабалар томонидан 10 000 ортиқ турли лойиҳалар яратилди. Бу лойиҳаларни амалиётга жорий этиш орқали мамлакат иқтисодиётини юксалишига олиб келаётган сабаблардан бири ҳисобланади. Талабаларни ўқиш мобайнида танқидий фикрлашга ўргатиш, уларни илмий тадқиқот лойиҳаларига жалб этиш, уларнинг салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш мақсадида факультет иқтидорли талабаларидан иборат инновацион гуруҳларни шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Фикримизча, ҳар бир талаба бу бир инновация манбаи бўлиши лозим. Бугунги кунда факультетда талабалардан иборат 4 инновацион гуруҳ фаолит олиб бормоқда. Бу гуруҳларни фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни инновация ғоя ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали ишлаб чиқариш соҳасига янгиликларни жорий этиш имконияти пайдо бўлади. 2012/2013 ўқув йилида факультет талабалари томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналари учун “Бизнес режалаштиришни тизимлаштириш” лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қўмита раҳбариятининг тавсияси билан соҳа корхоналарига жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бундай ишларни самарали ташкил этиш орқали илм фан ва ишлаб чиқариш соҳасини илмий-инновацион ҳамкорлигини кенгайтиришга замин яратилади.

5. Соҳа корхоналарида қулланилаётган ахборотлашган тизимларни демо вариантларини ўқув жараёнига жорий этиш. Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни курсатадики, илм фан тараққиёти натижасида ишлаб чиқаришга янги технологиялар ва хизматлар жорий этилмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда соҳа корхоналарида қулланилаётган ахборотлашган тизимларни демо вариантларини ўқув жараёнига жорий этиш орқали янги ахборотлашган тизимларни яратиш ва мавжудларини модернизация этиш имконияти вужудга келади.

6. Магистрлик диссертация ҳамда битирув малакавий ишлар ҳимоясини соҳа корхоналарида ташкил этиш. Юқорида таъкидлаб утилганидек, ҳар бир талаба бу бир инновация манбаи бўлиши лозим. Демакки тайёрланаётган ҳар бири магистрлик диссертация ҳамда битирув малакавий ишлар конкрет мақсадларга йуналтирилган бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Демакки, битирув ишлари ҳимояларини конкрет корхона мутахассислари иштирокида амалга ошириш бевосита ишлар сифатини оширишга, берилаётган таклиф ва тавсияларни, янги ғояларни амалиётга жорий этилишини тезлаштиради ва провард натижада корхонанинг иш унумдорлигини ортишига олиб келади.

Фикримизча, юқорида келтирилган йўналишлар бўйича амалий ишларни кенгайтириш орқали соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорликни янада ривожланишига сабаб бўлади.

4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

4.1. Меҳнат шароитларини ташкил қилувчи омиллар

Меҳнат шароитлари—иш жараёнида инсон саломатлиги ва ишга лаёқатлилигига таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш муҳити омиллари йиғиндисидир. Меҳнат шароитлари шикастланишлар ва касб касалликлари юзага келиши учун ҳар қандай шарт-шароитни истисно этиш керак. Меҳнат шароитларини ташкил қилувчи омиллар одатда 4 та асосий гуруҳга бўлинади.

1. Гуруҳ—*санитар-гигиеник* ишлаб чиқариш муҳити, иш ҳудудини характерлайдиган кўрсаткичларни ўз ичига олади. Қўлланиладиган ускуналар ва технологик жараёнларга боғлиқ бўлиб, микдорий баҳоланиши мумкин ва меъёрланади.

Санитар-гигиеник омиллар:

- а) ёритилганлик (табiiй, сунъий);
- б) микроиқлим;
- в) ҳаво ҳарорати, С;
- г) нисбий намлик, %;
- д) ҳаво ҳаракати тезлиги, м/с;
- е) ҳаво муҳитида заҳарли моддалар (буғлар, газлар, аэрозоллар) мг/м³;
- ж) механик тебранишлар:
 - тебраниш (титраш) (Гц-частота, мм, амплитуда, тебраниш тезлиги-м/с);
 - шовқин (октава чизиқлари, Гц-частотаси, товуш босими даражаси-Дб);
 - ультратовуш (шовқин каби);
 - инфрақизил, ультрабинафша, ионлашиш нурланиш (км, м, дм, см, мм);

- радиочастоталар тўлқинлари (Гц, кГц, МГц);
- атмосфера босими (денгиз даражасидан ҳам баланд: м, мм, барометрик, симоб устуни);
- касбий инфекциялар ва биологик агентлар.

2. Гуруҳ–меҳнат жараёни билан шартланадиган *психо-физиологик*.
Ушбу гуруҳдан фақат бир қисми миқдорий баҳоланади.

Психофизиологик (меҳнат) омиллари:

- а) жисмоний вазифа (ккал);
- б) иш ҳолати;
- в) асаб–психологик–ақлий, асаб–ҳиссиёт, кўришнинг зўрайиши, асаб-руҳий вазифа;
- г) меҳнат жараёнининг бир хиллиги;
- д) меҳнат ва ҳордиқ тартиби (режими):
- смена ичи (тушликка танаффус);
- суткалик (иш сменаларининг давомийлиги);
- йиллик (таътилнинг давомийлиги);

3. Гуруҳ–*эстетик омиллар*, ишлаётганлар томонидан атроф-муҳит аҳволи ва унинг элементлари қабул қилиниши билан характерланади, миқдорий баҳоланмайди.


Эстетик омиллар:

- а) иш ҳудудида ёруғлик товуш муҳити композициясининг уйғунлиги, ҳаво муҳити ҳидларининг ҳушбуйлиги, ҳамоҳанглик композицияси, иш ҳолатлари ва меҳнат ҳаракатларининг уйғунлиги;
- б) жамоанинг ижтимоий – руҳий бирдамлиги;
- в) жамоада гуруҳлараро муносабатлар характери (жанжалли ҳолат, даражаси);

4. Гуруҳ–мазкур меҳнат жамоасида психологик иқлимни характерлайдиган *социал-психологик* омиллар, миқдорий баҳоланмайди.

Бахтсиз ходисаларни қайд қилиш ва ҳисобга олиш билан бахтсиз ходисаларнинг сабабларини аниқлаб бўлмайди, бу фақат бахтсиз ҳодиса сабабларини аниқлаш учун материал бўла олади. Ишчининг иш шароитида ишлаш фаолиятини ўрганиш унинг ишлаш қобиляти билан иш вақти ўртасида боғланиш борлигини аниқлаш имкониятини беради.

Бу боғланиш график шаклида 4.1-расмда кўрсатилгандек ўзгаради. Яъни ишчи иш бошлагандан кейин ярим соат давомида иш маромига тушмаган ва созланмаган ҳолатда бўлади. Ярим соатдан кейин иш мароми мувофиқлашади ва бир меъёрда тахминан 3,5 соат давом этади, сўнгра яна пасайиш бошланади. Бахтсиз ходисаларнинг юз бериши ҳам худди шу график асосида бориши аниқланди. 4 соат давомида ишчи чарчаши ҳисобига иш қобиляти камайса, худди шу чарчаш ҳисобига бахтсиз ходисалар ҳам вужудга келади.



4.1-расм

Ташкилий сабаблар. Ташкилий сабабларга қўйидагиларни киритиш мумкин. Саноат корхонасини лойиҳалаш вақтида йўл қўйилган хатолар, ишчи ва хизматчиларнинг хавфсиз ишлаш усулларига ўргатилмаганлиги, йўриқноманинг нотўғри ўтказилганлиги, ишчилар меҳнатидан мутахассислиги буйича фойдаланмаслик, хавфсиз меҳнат қилиш техник назоратининг йўқлиги, хавфли эканлигини билиб туриб, бетартиб иш юритиш ва ишчиларнинг ўзаро келишмасдан иш олиб боришлари, технологик жараёнларнинг бузилиши, ишчиларнинг меҳнат қилиш ва дам

олиш режаларининг бузилиши, иш жойларини ноқулай режалаштириш, саноат корхонаси ҳудудида йўлка ва ўтиш жойларини нотўғри жойлаштириш, иш жойларини нотўғри ташкил қилиш, нобоп иш куролларидан фойдаланиш, шахсий муҳофаза аслахаларининг иш шароитига тўғри келмаслиги, тўсиқларнинг йўқлиги, хавф ҳақидаги огохлантирувчи плакатларнинг бўлмаслиги ва бошқалар.

Техник сабаблар. Станоклар, иш куроллари, ёрдамчи воситалар ҳаракатланувчи ва юк кўтарувчи қисмларининг конструктив камчиликлари, машина ва механизмлар айрим қисмларининг синиб ёки узилиб кетиши, технологик жараёнларнинг номукамаллиги, тўсиқ қурилмалари ва сақловчи воситаларнинг пухта ишламаслиги.

Санитария-гигиеник сабаблар. Об-ҳаво шаротининг (ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлиги, ҳаракат тезлиги ва босими, иссиқлик ажралиб чиқиши) қониқарсиз бўлиши саноат корхоналаридаги ҳаво муҳитининг чангланганлиги, иш жойлари, майдонлар ва ўтиш жойларининг оқилана ёритилмаганлиги, шовқин ва титрашнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш хоналари ва санитария-маиший хоналарнинг етарли эмаслиги ва санитария-гигиена талабларига жавоб бермаслиги, шахсий гигиена талабларига риоя қилмаслик.

Психо-физиологик сабаблар. Ишчи психологик режимининг бузилиши натижасида вужудга келадиган сабаблар: оилавий нотинчлик, ишхонада, жамоа ўртасидаги келишмовчилик ва хоказолар.

Бу сабаблар аниқлангандан кейин иш шароитида уларнинг келиб чиқмаслигини таъминловчи чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқиши зарур. Бу чора-тадбирларни амалга ошириш эса ишлаб чиқариш шароитида бахтсиз ҳодисаларнинг бутунлай йўқолишига ёки камайишига олиб келиши керак.

4.3. Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар

Фавқулодда вазиятлар уларнинг вужудга келиш сабабларига кўра тасниф килинади ва улар ушбу вазиятларда зарар кўрган одамлар сонига, моддий зарарлар миқдорига ва кўламларига қараб локал, маҳаллий, республика ва трансчегара турларга бўлинади.

1. Транспорт авариялари ва ҳалокатлари:

Экипаж аъзолари ва ёловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва авария – қидирув ишларини талаб қиладиган авиа ҳалокатлар;

Ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибнинг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг, ҳалокат ҳолатидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек ташилаётган кучли таъсир кўрсатувчи захарли моддалар билан (КТКЗМ) ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг захарланишига олиб келган темир йўл транспортидаги ҳалокатлар ва авариялар.

Фавқулодда вазият – бу муайян ҳудудда ўзидан сўнг одамларнинг қурбон бўлиши, одамлар соғлиғи ёки атроф-муҳитга зиён етказиши, кишиларнинг ҳаёт фаолиятига каттагина моддий зарар ҳамда унинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, стихияли офат, эпидемиялар, эпизоотиялар натижасида юзага келган ҳолатдир.

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТКЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлимига сабаб бўладиган автомобил транспортнинг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан йўл транспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва захарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келган метрополитен бекатларидаги ва тунеллардаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт ва нефт махсулотларининг отилиб чиқишига, очик нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал кувурлардаги авариялар.

2. Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Атроф – табиий мухити кучли таъсир қилувчи захарли моддаларнинг отилиб чиқишига ва шикастловчи омилларнинг одамлар, хайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган даражада, йўл қўйилган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария – химоя ҳудудидан четга чиқишга сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3. Ёнғин – портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар:

Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги, одамларнинг механик ва термик шикастланишига, захарланишига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш фондларининг нобуд бўлишига, фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш циклининг ва одамлар ҳаётининг бузилишига олиб келадиган авариялар, ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, захарланишига ва ўлимига олиб келган ҳамда қидириш – қутқариш ишларини ўтказишни нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва халатларини қўлланишни талаб қилувчи кўмир шахларидаги ва руда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авария – ёнғинлар ва жинслар қўпорилиши.

4. Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги масъул истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳолии ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келган ГЭС, ГРЭС, ТЭЦлардаги, ўлкан иссиқлик марказларидаги, электр тармоқларидаги буғқозон бўлмаларидаги, компрессор ва газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар ва ёнғинлар.

Аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф олиб келган газ қувурларидги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар.

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўлган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5. Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан авария – кутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек уй–жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ҳодисалар.

6. Гидротехник ҳалокатлар ва авариялар.

Сув омборларида, дарё ва каналлардаи бузилишлар, баланд тоғлардаги қўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимига саноат ва қишлоқ хужалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келган ва шошилиш кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

Алоқа ходимлари касаба уюшмалари ёки вилоят касаба уюшмалари кенгашининг техник назоратчиси исталган вақтда машина ускуналари, механизмлар мувофиқлигини, техника хавфсизлиги қоидалари талаблари, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларнинг санитар ахволини, санитария меъёрлари талаблари, меҳнат ва дам олиш режимига амал қилишни, махсус кийим-бош, махсус пойафзал, махсус озиқ-овқат ва ҳимоя воситаларининг ўз вақтида берилишини текшириш учун алоқа корхонасини кўздан кечириш ҳуқуқига эга.

Хар бир корхонада касаба уюшма раиси сайланади, унинг қошида жамоа шартномасини бажарилишини назорат этувчи катта жамоат назоратчиси бошчилигидаги меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси

ишлайди, бахтсиз ходисаларни текширишда, шунингдек, ТХ қоидаларини билишларини текширишда иштирок этади.

Цехлар ва бўлимларда касаба уюшмалари аъзоларидан аппаратуралар, асбобларнинг яроқлигини, ишчи жойларда тўсиқларни, блокировкаларни, ҳисоблаш қурилмалари ва иситиш тизимлари ишини, ёритилиш аҳволини назорат қилувчи ва тозалик ҳамда тартибга риоя этувчи меҳнат муҳофазаси жамоат назоратчиси танланади. У ишчи жойида инструктаж (йўл-йўриқ) ўтказилиши, цехнинг барча ходимлари томонидан техника хавфсизлиги йуриқномаларини ўрганиш, иш вақти ва тартиби режими, таътиллار берилиши, хордиқ кунлари, ишчиларни химоя воситалари билан таъминлашни назорат этади. Бутун аниқлаган камчилик ва нуқсонлар ҳақида жамоат назоратчиси цех устаси ёки бошлиғига хабар қилиши ва уни ишлаб чиқиши лозим. Меҳнат муҳофазаси бўйича барча комиссия аъзолари жамоа шартномасига кирувчи ММ бўйича тадбирлар ишлаб чиқишда иштирок этадилар.

Алоқа корхоналаридан меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш, шунингдек, давлат ва касаба уюшмалари органлари томонидан назоратни ташкил қилишнинг таркибий жадвали 4.2-расмда тасвирланган.

Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларни режалаштиради ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармаларида (АИЧТБ) меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни АИЧТБ бошлиқлари, бош муҳандислар ва бошлиқ муовинлари уюштиради.

Корхона бошлиғи корхонада меҳнат муҳофазасини ташкил қилиш учун жавоб беради, бош муҳандис ва бошлиқ муовинлари ва меҳнат тўғрисидаги қонунчилик, ТХ қоида ва меъёрлари, ишлаб чиқариш санитарияси, уларга бўйсунадиган бўлимлар, цехлар, участкаларда ёнғин хавфсизлигига риоя этилиши устидан тўлиқ маъсулдир.

Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларнинг бажарилиши устидан назорат учун бош мухандисга бўйсунувчи меҳнат муҳофазаси бўйича мухандис тайинланади.

Рахбар юқори хавфли ишлар рўйхатини билиши, химоя воситалари ва сақловчи қурилмалар яроғлилик ахволи ва мавжудлиги устидан кузатиб бориши, вентиляция қурилмалари, иш жойларининг ёритилиши, ишининг тўғрилигини текшириб бориши, шовқин ва тебранишларнинг камайишига эришмоғи, ишчи ва хизматчиларни ишлашнинг хавфсиз услубни уларга ўргатиш, сабоқлар уюштириши, техника хавфсизлиги қоидаларини нечоғлик билишларини даврий текшириб туриши лозим.

Рахбар, шунингдек, ТХ қоидалари ва меъёрларини бажармаган шахсларни ишдан четлатиши, агар инсонлар ҳаёти ва саломатлигига таҳдид солаётган бўлса, механизмлар ишини тўхтатиши, жабрланганга биринчи ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш, бахтсиз ходисаларни тергов қилиш ва уларни олдини олиш юзасидан чоралар кўришда иштирок этиши лозим. Алоқа корхоналарида травматизмни камайтириш ва меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирлар ўтказиш устидан назоратни кучайтириш мақсадларида меҳнат муҳофазаси ахволи устидан 3-поғонали назорат жорий этилади.

Хар куни уста ёки бригадир жамоат назоратчиси билан бирга ишчилар ахволи, ускуналарнинг созлиги ва химоя воситаларининг яроқчилигини текширади. Нуқсонлар топилганда зудлик билан уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилади. Агар носозликларни кучлари билан бартараф этиш мушкул, имконсиз бўлса, нуқсону носозликлар 3-поғонали назорат журнаliga қайд этилади.

Хар ҳафта цех бошлиғи катта жамоат назоратчиси билан ҳамкорликда цехда меҳнат муҳофазасининг ахволини бирма-бир текширувдан ўтказди, уста томонидан билдирилган носозликлар бўйича қарорлар қабул қиладилар, аввалги текширувларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича

тадбирлар бажарилишини назорат қилади. Текширув натижалари цех бошлиғи худди шу журналга ёзилади.

Хар ойда бош мухандис ва меҳнат муҳофазаси бўйича мухандис корхона бўйича меҳнат муҳофазасининг ахволини текширади, текширувнинг 1 ва 2 поғоналарида аниқланган нуқсонларни бартараф этилишини назорат қилади.

Текширув натижалари корхона бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади.

Меҳнат муҳофазаси бўйича мухандис мунтазам ТХ қоидалари ва меъёрлари, ишлаб чиқариш санитарияси, юқори турувчи ташкилотлар фармойишлари, назорат қилувчи органлари ҳужжатларининг ижросини назорат қилади.

У янги қабул қилинган ходимлар билан илк йуриқномани ўтади, ТХ билимларини текшириш бўйича комиссиялар иши ва ишлаб чиқаришда бахтсиз ходисаларни тергов қилишда иштирок этади.

Хар йили корхоналар Н21-Т шаклида режа бажарилгани тўғрисидаги ҳисоботларни тузадилар ва уларни юқори турувчи хўжалик ва касаба уюшма ташкилотларига юборадилар.

Ҳисоботга ноқулай шароитларда ишловчилар сони ҳақида маълумотлар ва ҳисобот йилида меъёрларга мувофиқ ҳужжатлар киритилади.

Ҳисоботда реконструкция, капитал ремонт бўйича бажарилган ишлар ҳажми ва ишлаб чиқариш цехлар, умуман ТХ қоидалари ва меъёрлари талабларига жавоб бермайдиган участкаларни эксплуатациядан чиқариш тўғрисида маълумотлар бўлиши керак.

Мамурий-хўжалик ва инженер-техник ишчи меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузсалар интизомий, мамурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни келтириб утиш мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз:

1. Инновация маҳсулотининг турли жihatларини тижорат айирабошлаш инновация бозорида амалга оширилади. Инновациялар бозори инновация фаолияти натижаларини айирбошлаш ҳамда ушбу фаолият иштирокчиларининг манфаатларини бундай айирбошлашнинг нархлари, муддатлари ва кўлами бўйича мувофиқлаштириш жараёнида юзага келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуидир. Бундай бозорларга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилган қарори асосида ташкил этилган биринчи Республика инновация ғоялари ва лойиҳалари ярмаркасини келтирсак бўлади. Ҳар йили ўтказиладиган бундай ярмаркалар инновация маҳсулотининг эгалари бўлган илмий-тадқиқот ташкилотлари ва инновацион маҳсулотининг истеъмолчиси бўлган тадбиркорлик субъектлари ўртасида яқин кооперацияни ривожлантириш имконини беради.

2. Инновацион самарадорлигини комплекс баҳолаш муаммоси ҳар доим турли даража ва тоифадаги иқтисодчи-олимлар ва раҳбар ходимлар диққат марказида бўлиб келган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики: амалий тадқиқотлар натижасининг 15% жорий иқтисодий самара билан тавсифланса, қолган 85% эса кутилаётган самара билан белгиланади.

Бизнинг фикримизча илмий техник жараёнларнинг охириги ютуқларини ишлаб чиқаришга жалб этиш самарадорлигини баҳолаш имкониятини берувчи инновацион фаолиятни қиёсий самарадорлик кўрсаткичлари тизими яратилиши лозим. Инновация самарадорлиги инновация билан шуғулланувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш-ҳўжалик ва молиявий фаолиятининг якуний натижалари билан баҳоланиши мумкин. Ушбу фаолиятнинг Давлат статистика органлари томонидан рўйхатга олинadиган асосий ва зарурий натижаси сифатида корхона томонидан ишлаб

чиқарилган ва сотилган маҳсулотнинг умумий ҳажми таркибидаги инновацион маҳсулот миқдори асос бўлиши лозим.

3. “Янги технологияларни модернизациялаш ва тадбиқ этиш Жамғармаси”- инновацион фондига келиб тушадиган маблағлардан самарали фойдаланиш механизмини яратиш; бу жараён ўз ичига қўйидаги мақсадларни камраб олиши лозим: а) илмий тадқиқот фаолият билан шуғулланувчи профессор-ўқитувчиларни қўшимча моддий рағбатлантириш; б) талабаларни инновацион лойиҳаларини молиялаштириш; в) кафедралар моддий-техник базасини такомиллаштириш; г) янги дарслик ва ўқув қуланмалари яратишни молиялаштириш; д) таълим тизимига АКТ жорий этишга кумаклашиш

4. Ижтимоий ёрдамга мухтож талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида соҳа корхоналари билан уч томонлама шартномалар тузиш;

Факультетда соҳа корхоналари билан инновацион ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ижтимоий ёрдамга мухтож талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича уч томонлама шартнома ишлаб чиқилди. Бугунги кунда Алском СК томонидан (университетни битиргандан сўнг Алском суғурта компаниясида ишлаб бериш шарти билан) 2 нафар талабага тўлов-шартнома маблағлари университет ҳисобига ўтказилган. Бу йўналишнинг асосий мақсад ва вазифалари қўйдагилардан иборат;

- Университетда тўлов шартнома асосида таҳсил олаётган кам таъминланган ҳамда чин етим талабаларни тўлов шартнома пулини хомийлик асосида тўлашни таъминлаш;

- Талабаларни корхона фаолиятини ривожлантиришга оид илмий тадқиқот лойиҳаларида қатнашишига амалий ёрдам бериш;

- Талабаларни ўқув таништирув, ишлаб чиқариш ҳамда битирув олди малакавий амалиётини корхона ёки унинг филиалларида ўтишига шароит яратиш;

- Талабаларни битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертация ишини тайёрлаши ва ҳимоя қилиши учун зарурий маълумотлар билан таъминлаш;

- Талабаларни университетда ўқишдан бўш вақтида корхонада фаолият олиб боришига шароит яратиш;

- Талабаларни университетни битиргандан сўнг корхонада камида 3 йил фаолият олиб бориши учун шароит яратиш.

- Ҳар ўқув йилида тўлов шартнома шартини бажарувчи корхона фаолиятини ривожлантириш бўйича хориж, республика ҳамда университетда ташкил этиладиган илмий анжуманларда камида 3 мақола ва тезислар билан қатнашишни таъминлаш;

5. Кафедралар илмий салоҳиятини ошириш мақсадида соҳа корхоналари хомийлигида иқтидорли битирувчи талабаларни нуфузли хориж олий таълим муассасаларига магистратурага ўқишга юбориш;

Маълумки, ахборот технологиялари инсоният ҳаётига жадал кириб бораётган бир шароитда талабаларга таълим беришда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда хориж тажрибасини чуқур ўрганиб янги билим ва назарияларни ўз вақтида етказиб бериш алоҳида аҳамият касб этади. Демак, бу йўналишда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш давр талаби ҳисобланади. Юқорида келтирилганларни инобатга олган ҳолда кафедралар илмий салоҳиятини ошириш мақсадида соҳа корхоналари хомийлигида иқтидорли битирувчи талабаларни нуфузли хориж олий таълим муассасаларига магистратурага ўқишга юбориш бўйича уч томонлама шартнома лойиҳаси ишлаб чиқилди.

6. Иқтидорли талабаларнинг инновацион лойиҳаларини соҳа корхоналари фаолиятига жорий этиш;

Тадқиқотлар шуни курсатадики, Жанубий Корея Республикасида ҳар йили талабалар томонидан 10 000 ортиқ турли лойиҳалар яратилди. Бу лойиҳаларни амалиётга жорий этиш орқали мамлакат иқтисодиётини юксалишига олиб келаётган сабаблардан бири ҳисобланади. Талабаларни ўқиш мобайнида танқидий фикрлашга ўргатиш, уларни илмий тадқиқот

лойиҳаларига жалб этиш, уларнинг салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш мақсадида факультет иқтидорли талабаларидан иборат инновацион гуруҳларни шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Фикримизча, ҳар бир талаба бу бир инновация манбаи бўлиши лозим. Бугунги кунда факультетда талабалардан иборат 4 инновацион гуруҳ фаолит олиб бормоқда. Бу гуруҳларни фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни инновация ғоя ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали ишлаб чиқариш соҳасига янгиликларни жорий этиш имконияти пайдо бўлади. Бундай ишларни самарали ташкил этиш орқали илм фан ва ишлаб чиқариш соҳасини илмий-инновацион ҳамкорлигини кенгайтиришга замин яратилади.

7. Соҳа корхоналарида қулланилаётган ахборотлашган тизимларни демо вариантларини ўқув жараёнига жорий этиш. Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни курсатадики, илм фан тараққиёти натижасида ишлаб чиқаришга янги технологиялар ва хизматлар жорий этилмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда соҳа корхоналарида қулланилаётган ахборотлашган тизимларни демо вариантларини ўқув жараёнига жорий этиш орқали янги ахборотлашган тизимларни яратиш ва мавжудларини модернизация этиш имконияти вужудга келади.

8. Магистрлик диссертация ҳамда битирув малакавий ишлар ҳимоясини соҳа корхоналарида ташкил этиш. Юқорида таъкидлаб утилганидек, ҳар бир талаба бу бир инновация манбаи бўлиши лозим. Демакки тайёрланаётган ҳар бири магистрлик диссертация ҳамда битирув малакавий ишлар конкрет мақсадларга йуналтирилган бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Демакки, битирув ишлари ҳимояларини конкрет корхона мутахассислари иштирокида амалга ошириш бевосита ишлар сифатини оширишга, берилаётган таклиф ва тавсияларни, янги ғояларни амалиётга жорий этилишини тезлаштиради ва провард натижада корхонанинг иш унумдорлигини ортишига олиб келади.

Фикримизча, юқорида келтирилган йўналишлар бўйича амалий ишларни кенгайтириш орқали соҳа корхоналари билан илмий-инновацион ҳамкорликни янада ривожланишига сабаб бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикасининг Қонун, Фармон ва Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасини “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни, 1996 йил 29 август.
3. Ўзбекистон Республикасини “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни, 1997 йил.
4. ““Устоз” Республика фонди фаолиятини ташкил этиш тўғриси”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 декабрдаги 576-сон қарори.
5. Таълим муассасасининг уставини ишлаб чиқиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарорига 3-илова.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Таълим хизматларини кўрсатиш бозорини шакллантиришни ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1998 йил 28 январдаги 48-сон қарори.
7. «Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 апрелдаги ПҚ–1106-сон қарори
8. «Ўзбекистон Республикаси вакилларининг ўқишини ташкил этиш учун Япония Ҳукуматининг грантларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 16 июлдаги 201-сон қарори

II. Асосий қўлланма ва адабиётлар

9. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: -"Ўзбекистон", 1995 й.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: - "Ўзбекистон", 1997.
11. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори (Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзланган нутқ. 1997 йил 29 август). –Т.: “Шарқ”, 1997 йил.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 2002 йил 30 майдаги Фармони.
13. «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. 2002 йил 6 июндаги 200-сон.
14. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
15. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
16. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш — барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. -Т.: "Ўзбекистон", 2007.
17. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. /Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. -Т.: Ўзбекистон, 2007.
18. Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш - олий саодатдир. -Т.: Ўзбекистон, 2007.
19. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. -Т.: Ўзбекистон,

2008.

20. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Ўзбекистон, 2008.

21. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Халқ сўзи, 2008 йил 1 сентябрь.

22. Каримов И.А. Ватанимизни босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз.//Халқ сўзи, 2008 йил 7 декабрь.

21. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -56 б.

22. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топан давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т. 18, Т., Ўзбекистан, 2010 й.

23. Каримов И.А.. Баркамол авлод - мамлакатимизни ривожлантиришда ҳал қилувчи куч. "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзuidaги халқаро конференциядаги доклад. Тошкент, Симпозиумлар саройи. 2012 йил 17 феврал.

24. Абдурахмонов Қ., Холмўминов Ш., Зокирова Н. Персонални бошқариш. Дарслик. –Т.: “O`QITUVCH” нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2008.

25. Арипов А.Н., Иминов Т.К. «Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари» -Т.: «Фан ва технология», 2005.

26. Ахунова Г.Н. Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари. –Т.: “Молия”, 2005.

27. Герчикова И.Н. Менеджмент. 4-е издание. –М.: ЮНИТИ, 2006.

28. Кучаров А.С. Тадбиркор кадрлар тайёрлаш асослари. Монография, ФАН, 2005.

29. Менежмент. Ўқув қўлланма. –Т.: “Академия”, 2003.
30. Назарова Г.Г., Адилова З.Д., Мухамедрахимов У.Х. Международный маркетинг. Учебное пособие. – Т.: ТГЭУ, 2007. – 150 с.
31. Питер Ф.Друкер. Практика менеджмента. –М., С-Пет., Киев.: Издат.дом «Вильямс», 2006.
32. Рахимова Д.Н. ва бошқалар “Замонавий менежмент: назария ва амалиёт” Т.: “Ғофур Ғулом” 2009.
33. Рахимова Д.Н., Шодиев Б.Я. “Персонални бошқариш”. Ўқув қўлланма. Т.: “Талқин”, 2008.
34. Теория управления. Учебник. –М.: РАГС, 2005.
35. Тошкент ахборот технологиялари университетининг оператив, статистик ҳисоботлари.
36. Эргашев Ф., Раҳимова Д., Сагдуллаев А., Парпиев О., Зайнутдинов Ш. Инновацион менежмент (дарслик). –Т.: “Академия”, 2005.

III. Интернет манбалари

1. www.UzReport.com
2. E-commerce.ru.
3. www.rinok.ru
4. www.kadr.ru
5. www.menedzhment.ru
6. http: www.vedomosti.ru
7. www.Edu.uz

ИЛОВАЛАР

Талабаларни илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва моддий рағбатлантириш бўйича уч томонлама ШАРТНОМА

№__

Тошкент ш.

20__ йил

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”, “Ҳомийлик тўғрисида” ги қонунларига мувофиқ илм фан ва ишлаб чиқаришни илмий инновацион интеграциясини ривожлантириш, талабаларни илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва моддий рағбатлантириш, ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, бир томондан Тошкент ахборот технологиялари университети (келгусида – “ТАТУ”) номидан муассасанинг ҳаракатдаги Уставига асосланиб, иш юритувчи ректор

иккинчи томондан _____

(корхона, муассаса, ёки ташкилот номи)

(келгусида “Иш берувчи”) номидан корхонанинг ҳаракатдаги Уставига асосланиб иш юритувчи _____

(корхона раҳбари ф.и.ш.)

учинчи томондан (“Талаба”) _____

(йўналиши ёки мутахассислиги)

бўйича талаба _____

(талабанинг Ф.И.Ш.)

ўртасида 20__ йил “__” _____ тузилди.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

Шартнома асосида таълим олаётгандан бакалавриатура ёки магистратура талабаларини ўқиш учун шартнома тўловини амалга ошириш ва уларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш.

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Университет мажбуриятлари:

2.1.1. Тўлов шартнома асосида таҳсил олаётган талабаларни моддий рағбатлантириш бўйича соҳа корхоналарига таклифлар киритиш;

2.1.2. Моддий рағбатлантиришга тавсия этилган талабаларни ўқув, илмий ва бошқа фаолият юритишларига шароит яратиб бериш;

2.1.3. Ҳар семестрнинг охирида моддий рағбатлантиришга тавсия этилган талабаларни ўқув, илмий ва бошқа фаолияти бўйича соҳа корхонасига маълумот бериш;

2.1.4. Моддий рағбатлантиришга тавсия этилган талабаларни нисбатан кўрилган интизомий чоралар ҳамда рағбатлантиришлар ҳақида тўлов шартнома шартини бажарувчи корхонани ўз вақтида хабардор этиш;

2.1.5. Талабани ўқув таништирув, ишлаб чиқариш ҳамда битирув олди малакавий амалиётини ўташ учун мақсадли равишда корхона ёки унинг филиалларига йўналтириш;

2.1.6. Ички тартиб қоидаларни бузган, ўзлаштириши талаб даражаси бўлмаган талабаларни моддий рағбатлантиришдан махрум этиш бўйича соҳа корхонасига таклифлар киритиш;

2.1.7. Моддий рағбатлантиришга тавсия этилган талабаларни университетни битиргандан сўнг тўлов шартнома шартини бажарувчи корхонада фаолият юритиши учун йўлланма бериш.

2.2. Соҳа корхонасининг мажбуриятлари;

2.2.1. Университетда тўлов шартнома асосида тахсил олаётган кам таъминланган ҳамда чин етим талабаларни тўлов шартнома пулини тўлаш;

2.2.2. Талабани корхона фаолиятини ривожлантиришга оид илмий тадқиқот лойиҳаларида қатнашишига амалий ёрдам бериш;

2.2.3. Талаба ўқув таништирув, ишлаб чиқариш ҳамда битирув олди малакавий амалиётини корхона ёки унинг филиалларида ўтишига шароит яратиш;

2.2.4. Талабани битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертация ишини тайёрлаши ва ҳимоя қилиши учун зарурий маълумотлар билан таъминлаш;

2.2.5. Талабани университетда ўқишдан бўш вақтида ярим кун корхонада фаолият олиб боришига шароит яратиш;

2.2.6. Талабани университетни битиргандан сўнг корхонада камида 3 йил фаолият олиб бориши учун шароит яратиш.

2.3. Талабанинг мажбуриятлари:

2.3.1. Университетда таълим олиш мобайнидан устав, ички тартиб қоидалари ҳамда одоб ахлоқ кодексига сўзсиз бўйсиниш;

2.3.2. Ҳар ўқув йилида тўлов шартнома шартини бажарувчи корхона фаолиятини ривожлантириш бўйича хориж, республика ҳамда университетда ташкил этиладиган илмий анжуманларда камида 3 мақола ва тезислар билан қатнашиш;

2.3.3. Ҳар бир семестр мобайнида ўзлаштириш кўрсаткичи камида 72 % ташкил этишини таъминлаш;

2.3.4. Тўлов шартнома шартини бажарувчи корхона фаолиятини ривожлантиришга оид илмий тадқиқот лойиҳаларида қатнашиш;

2.3.5. Талаба ўқув таништирув, ишлаб чиқариш ҳамда битирув олди малакавий амалиётини тўлов шартнома шартини бажарувчи корхонада ўташи;

2.3.6. Талаба битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертация ишини тўлов шартнома шартини бажарувчи корхонада мисолида тайёрлаш ва химоя қилиши;

2.3.7. Университетни битиргандан сўнг тўлов шартнома шартини бажарувчи корхонада камида 3 йил фаолият олиб бориш ҳамда ҳар чоракда университетга фаолияти тўғрисида маълумот тақдим этиш.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Томонлар ўртасида юзага келган баҳсли масалалар қонунчиликда ўрнатилган тартибда ҳал қилинади. Ҳал этилмаган ҳолларда тегишли суд идораларига даъво киритиш мумкин

4. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома қуйидаги ҳолларда қонунда белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин:

4.1.1. “Корхона” томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда;

4.1.2. Шартноманинг амал қилиш муддати, талабанинг университетда ўқиш ва корхонада ишлаб бериш даври ҳисобланади.

4.2. Ушбу шартнома томонларнинг барчаси имзолангандан сўнг кучга киради, ҳамда шартнома муддати тўлиқ бажарилгунга қадар амалда бўлади.

4.3. Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар бўйича шартномага ўзгартиришлар киритилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ

«ТАТУ» ректори: _____ Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси 108 уй. Телефон: 238-64-20 Факс: 238-64-18 Сана _____	«Корхона» _____ Манзил: _____ Тел/Факс: _____ Сана _____
«Талаба» (фамилияси, исми, отасининг исми) (доимий яшаш манзили) _____ Тел: _____	

Паспорт номери _____	серияси _____
(қачон ва ким томонидан берилган)	
Имзо: _____	Сана: _____

Ёш педагог ва илмий ходимларни тайёрлаш бўйича уч томонлама ШАРТНОМА

№ _____
Тошкент ш. _____ 20__ йил _____

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”, “Хомийлик тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ илм фан ва ишлаб чиқаришни илмий инновацион интеграциясини ривожлантириш, битирувчи бакалаврларни келгусида илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва моддий рағбатлантириш, “Почта хизматини автоматлаштириш” кафедрасини ёш мутахассислар билан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, бир томондан Тошкент ахборот технологиялари университети (келгусида – “ТАТУ”) номидан муассасанинг ҳаракатдаги Уставига асосланиб, иш юритувчи ректор _____ иккинчи томондан _____ (келгусида “Хомий”) номидан корхонанинг ҳаракатдаги Уставига асосланиб иш юритувчи Бош директор _____ учинчи томондан (“Ёш мутахассис”) талабгор _____ (талабгорнинг Ф.И.Ш.)

ўртасида 20__ йил “____” _____ тузилди.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

Почта хизмати йўналиши бўйича бакалавриатура босқичини ўқишни тугатган, илмий салоҳиятли, чет тилларини мукамал билувчи, маънан баркамол билимли 3 нафар ёшларни почта хизматини автоматлаштириш кафедрасида ишга олиб қолиш шarti билан хорижий таълим муассасарида магистратурани ўқишига кўмаклашиш.

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Университет мажбуриятлари:

2.1.1. Хорижда магистратурада ўқишга талабгорлар бўйича хомий ташкилотларига таклифлар киритиш;

2.1.2. Талабгорларни ўқув, илмий ва бошқа фаолият юритишларига шароит яратиб бериш;

2.1.3. Ҳар семестрнинг охирида талабгорларни хорижда ўқув, илмий ва бошқа фаолияти бўйича хомий ташкилотга маълумот бериш;

2.1.8. Хорижий таълим муассасаларида магистратура босқичида таълим олаётган талабгорни малакавий амалиётини ўташ учун мақсадли равишда хомий корхона ёки университетга йўналтириш;

2.1.9. Талабгорларни йилда бир марта университет Талабгорлари учун очик дарслар тақдимотини утказиши учун шароит яратиш;

2.1.10. Талабгорларни олиб бораётган илмий тадқиқот ишлари учун зарурий маълумотлар билан таъминлашга амалий ёрдам беради;

2.1.11. Талабгорлар томонидан йилда бир марта университет талабалари учун очик дарслар тақдимотини утказиши учун шароит яратиш;

2.1.12. Ички тартиб қоидаларни бузган, ўзлаштириши талаб даражаси бўлмаган талабгорларни моддий рағбатлантиришдан махрум этиш бўйича хомий корхонасига таклифлар киритиш;

2.1.13. Хорижий таълим муассасаларида магистратурада ўқишга тавсия этилган талабгорларни битиргандан сўнг камида 3 йил “Почта хизматини автоматлаштириш” кафедрасида иш билан таъминлаш.

2.2. Хомий ташкилотнинг мажбуриятлари;

2.2.1. Талабгорни хорижий таълим муассасасида магистратурада тахсил олиши учун тўлов шартнома пулини, яшаши учун тўлов, йўл харажатлари учун тўлов, керакли ўқув жихозлари ва инвентарлари учун тўловларни амалга ошириш;

2.2.2. Талабгорни корхона фаолиятини ривожлантиришга оид илмий тадқиқот лойиҳаларида қатнашишига амалий ёрдам бериш;

2.2.3. Талабгор малакавий амалиётини корхона ёки унинг филиалларида ўтишига шароит яратиш;

2.2.4. Талабгорни магистрлик диссертация ишини тайёрлаши ва ҳимоя қилиши учун зарурий маълумотлар билан таъминлаш;

2.3. Талабгорнинг мажбуриятлари:

2.3.8. Хориж таълим муассасаси устав, ички тартиб қоидалари ҳамда одоб ахлоқ кодексига сўзсиз бўйсиниш;

2.3.9. Ҳар ўқув йилида хомий корхона фаолиятини таҳлил этиш ва уни ривожлантириш истикболларини ақс эттиш бўйича хорижда ташкил этиладиган илмий анжуман ҳамда илмий журналларда камида 3 мақола ва тезислар билан қатнашиш;

2.3.10. Университетда ўқув жараёнини қиёсий таҳлилини амалга ошириш мақсадида ҳар бир семестр мобайнида хориж таълим муассасасида ўқитилган фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуалар ҳамда ўқув жараёнига тегишли асосларни университетга тақдим этиш;

2.3.11. Хориж таълим муассасасида йўналишга тегишли янги дарслик, ўқув қўлланма ва илмий журналлар ҳақида маълумот бериш;

2.3.12. Университет профессор-ўқитувчиларини хориж илмий конференция ва журналарида илмий мақолаларни чоп эттиришга амалий ёрдам бериш;

2.3.13. Тўлов шартнома шартини бажарувчи хомий корхона фаолиятини ривожлантиришга оид илмий тадқиқот лойиҳаларида қатнашиш;

2.3.14. Талабгор малакавий амалиётни хомий ташкилотда ёки университетда ўташ;

2.3.15. Талабгор магистрлик диссертация ишини хомий корхона мисолида тайёрлаш ва химоя қилиши;

2.3.16. Магистратурани битиргандан сўнг ТАТУнинг “Почта хизматини автоматлаштириш” кафедрасида камида 3 йил педагогик фаолият олиб бориш.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Талабгор хориж таълим муассасасида магистратурани битиргач камида 3 йил ТАТУнинг “Почта хизматини автоматлаштириш” кафедрасида фаолият олиб борганидан кейин доктарантурага ўқишга хужжат топширишига рухсат берилади.

3.2. Агар талабгор хориж таълим муассасасида магистратурани битиргач 3 йил ТАТУнинг “Почта хизматини автоматлаштириш” кафедрасида педагогик фаолият олиб боришдан бош тортса “Хомий” томонидан сарфланган барча молиявий харажатларни қоплаши лозим.

3.2. Томонлар ўртасида юзага келган баҳсли масалалар қонунчиликда ўрнатилган тартибда ҳал қилинади. Ҳал этилмаган ҳолларда тегишли суд идораларига даъво киритиш мумкин.

4. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома қуйидаги ҳолларда қонунда белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин:

4.1.1. “Хомий” томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда;

4.1.2. Шартноманинг амал қилиш муддати, талабгорнинг хориж университетида магистратурада таҳсил олиш ва ТАТУда педагогик фаолият юритиш даври ҳисобланади.

4.2. Ушбу шартнома томонларнинг барчаси имзолангандан сўнг кучга киради, ҳамда шартнома муддати тўлиқ бажарилгунга қадар амалда бўлади.

4.3. Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар бўйича шартномага ўзгартиришлар киритилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ

«ТАТУ» ректори: _____

«Хомий» _____

Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси 108 уй.

Манзил: _____

Телефон: 238-64-20 Факс: 238-64-09

Сана _____

Тел/Факс: _____

Сана _____

«Талабгор»

(фамилияси, исми, отасининг исми)

(доимий яшаш манзили)

Тел: _____

Паспорт серияси _____ номери _____

(қачон ва ким томонидан берилган)

Имзо: _____ Сана: _____